

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Эксперт кенгаши раиси  
т.ф.д., профессор  
М.М.Мадазимов**

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2025 й.

**Мамасолиев Н.С., Мадазимов М.М., Ботиров Ж.А.**

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁШ, ЎРТА ЁШ, ГЕРОНТ ВА СУПЕРГЕРОНТ  
ПОПУЛЯЦИЯСИДА ХОЛЕЦИСТИТНИ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ,  
КЕЧИШИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**(монография)**

**Андижон – 2025**

Муаллифлар:

Мамасолиев  
Неъматжон Солиевич

Андижон давлат тиббиёт институти  
ВМО ва ҚТФ ички касалликлар, кардиология ва тез  
ёрдам кафедраси мудири Ўз.Рес.ТА Академиги  
т.ф.д., профессор

Мадазимов Мадамин  
Муминович

Андижон давлат тиббиёт институти умумий  
жаррохлик ва трансплантология кафедраси  
профессори

Ботиров Жаҳонгир  
Акрамжон ўғли

Андижон давлат тиббиёт институти жаррохлик  
касалликлар кафедраси доценти., DSc

Такризчилар:  
Туракулов У.Н.:

Республика врачлар малакасини ошириш  
маркази хирургия кафедраси доценти  
т.ф.д.

Косимов А.Л.:

Андижон давлат тиббиёт институти  
умумий жаррохлик ва трансплантология  
кафедраси профессори., т.ф.д.

Монография Андижон давлат тиббиёт институти Эксперт кенгаши  
томонидан 2025 йил \_\_\_-июнь \_\_\_-сон баён билан тасдиқланган ва нашрга  
тавсия этилган

**АДТИ Эксперт кенгаш котиби**  
т.ф.н., доцент

**Н.А.Насридинова**

## АННОТАЦИЯ

Монографияда Ўзбекистоннинг ёш, ўрта ёш, геронт супергеронт аҳолисида эпидемиологик мониторинг тизимини мунтазам амалий фаолиятга киритиш – холецистит, уни коморбид фони ва асоратларини барвақт аниқлаш имкониятини ва унинг иккиламчи ва учламчи профилактикаси хатар омиллари ўрганиш натижасида эрта ташхислаш ва унга қарши индивидуал профилактикани амалга оширишга мавжуд, ҳамда даволаш дастурларининг самарадорлигини назарий ва амалий асослари ёритилган. Ушбу масаланинг назарий жиҳатлари муаллифларнинг кенг кўламли шахсий материаллари билан тасдиқланган, ҳамда клиник ҳолатларнинг батафсил тавсифи кўринишида тақдим этилган. Муаллифлар ушбу патология билан оғриган беморларни эрта аниқлаш, профилактикасининг самарали, баъзи ҳолларда эса оригинал усуллари ишлаб чиқдилар, бу эса ёш, ўрта ёш, геронт супергеронт холецистит частотаси ва унинг хатар омилларини ҳақиқий баҳолаш имконини беради ва ўлим ҳолатларини сезиларли даражада камайтирди.

Муаллифлар ёш, ўрта ёш, геронт супергеронт аҳолисида холециститни эпидемиологик тадқиқотда ўрганишга, ва унинг хатар омиллари скринингига (узлуксиз ва даврий), бирламчи ва иккиламчи ҳамда учламчи профилактикасини аҳоли орасида олиб борилишига алоҳида эътибор беришади.

Монография оилавий шифокорлар, терапия, жаррохлик соҳасидаги мутахассислар, шунингдек, ички касалликлар соҳасида фаолият юритувчи барча ихтисосликдаги шифокорлар учун мўлжалланган.

---

---

## МУНДАРИЖА

---

---

<b>ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР ВА АТАМАЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	8
<b>КИРИШ</b> .....	9
<b>I БОБ. ТУРЛИ ЁШГА МАНСУБ АХОЛИ ПОПУЛЯЦИЯСИДА ХОЛЕЦИСТИТ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ВА ПРОФИЛАКТИКА-СИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ: МУВАФФАҚИЯТЛАР, МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ АСОСИЙ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ</b> (адабиётлар шарҳи) .....	15
§1.1. Турли ёшга мансуб аҳоли популяциясида холецистит эпидемиологияси ва профилактикасига алоқадор эпидемиологик шароит ва вазиятлар ҳолати ҳамда муаммолари.....	16
§1.2. Турли ёшга мансуб аҳоли популяциясида холециститнинг превентив – профилактик масалалари, долзарб мавзулари ва асосий устувор йўналишлари .....	24
§1.3. Турли ёшга мансуб аҳоли популяциясида холециститнинг скрининг клиник – донозологик ташҳиси масалалари:% муваффақиятлар, муаммолар ва ечимларини истиқболли кўринишлари .....	32
§1.4. Турли ёшга мансуб аҳолида холециститни барвақт аниқлаш прогнозлаш ва профилактика қилиш технологияларининг янги шаклларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўллари ҳолати: уларни модернизация қилиш йўналишлари .....	39
§1.5. Боб бўйича хулосалар .....	44
<b>II БОБ.ШАХСИЙ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ. ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛИ ВА УСУЛЛАРИ</b> .....	45
§2.1. Тадқиқотни ташкил қилиш ва амалга оширишни тавсифи .....	45
§ 2.2. Тадқиқотга жалб қилинган ёш ва ўрта ёш популяцияни тавсифи .....	48
§2.3. Тадқиқотга жалб қилинган геронт ва супергеронт популяцияни тавсифи .....	49
§ 2.4. Текшириш усуллари.....	51

§ 2.4.1. Сўровномали усуллар .....	51
§2.4.2. Тиббий – клиник усуллар .....	56
§ 2.4.3. Асбобли –махсус текшириш усуллари .....	59
§ 2.4.4. Лаборатор – биокимёвий текшириш ва гематологик текшириш усуллари .....	59
§ 2.5. Олинган эпидемиологик маълумотлар базасини шакллантириш ва уларга статистик ишлов бериш усуллари .....	59
<b>III БОБ. СУРУНКАЛИ ХОЛЕЦИСТИТНИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁШ ВА ЎРТА ЁШ ПОПУЛЯЦИЯСИДА ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ .....</b>	<b>61</b>
§3.1. Ўзбекистоннинг ёш ва ўрта ёшли популяциясида холециститни эпидемиологияси ва профилактикасининг худудий хусусиятлари .....	61
§ 3.2. Ўзбекистоннинг худудларини ёш ва ўрта ёшли популяциясида сурункали холециститнинг ижтимоий-этник хатар омиллари, уларга боғлиқ холда касалликни эпидемиологик тавсифи .....	65
§3.3. Ўзбекистоннинг худудларини ёш ва ўрта ёшли популяциясида холециститнинг эпидемиологик хатар омилларини тарқалиши, уларга боғлиқ холда касалликнинг шаклланган механизми ва профилактикаси хусусиятлари .....	67
<b>IV БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁШ ВА ЎРТА Ёшли ПОПУЛЯЦИЯСИДА ХОЛЕЦИСТИТНИНГ КЛИНИК КЕЧИШИНING ЗАМОНАВИЙ ХОС ЖИХАТЛАРИ .....</b>	<b>84</b>
§ 4.2. Ўзбекистоннинг ёш ва ўрта ёшли популяциясида сурункали холециститни оғирлик даражаси ва асосий клиник синдромлари бўйича эпидемиологик тавсифи хусусиятлари .....	84
<b>V БОБ. СУРУНКАЛИ ХОЛЕЦИСТИТНИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГЕРОНТ ВА СУПЕРГЕРОНТ ПОПУЛЯЦИЯСИДА ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ ХУСУСИЯТЛАРИ .....</b>	<b>96</b>

§5.1. Сурункали холециститнинг Ўзбекистонни геронт – супергеронт аёллари ва эркалари популяциясида эпидемиологияси ва профилактикаси хусусиятлари..... 96

§5.2. Сурункали холециститни Ўзбекистоннинг геронт – супергеронт популяциясида ижтимоий хатар омилларини тарқалиши ва уларга боғлиқ холда касалликнинг шаклланиши механизмларини эпидемиологик тавсифи ..... 100

§5.3. Сурункали холециститни Ўзбекистон худудларининг геронт – супергеронт популяциясида эпидемиологик хатар омилларини тарқалиши частотаси ва уларга боғлиқ холда касалликнинг шаклланиши хусусиятлари..... 103

**VI БОБ. КОМОРБИДЛИК НЕГИЗИДА СУРУНКАЛИ ХОЛЕЦИСТИТНИНГ ЎЗБЕКИСТОННИ ГЕРОНТ – СУПЕРГЕРОНТ ПОПУЛЯЦИЯСИДА КЛИНИК КЕЧИШИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ ХУСУСИЯТЛАРИ ..... 149**

§6.1. Коморбидлик негизида сурункали холециститнинг клиник кечишини Фарғона водийсининг геронт – супергеронт популяциясида хусусиятлари, профилактикаси йўналишлари..... 149

§6.2. Коморбидлик негизида сурункали холециститнинг клиник кечишини Воҳанинг геронт – супергеронт популяциясида хусусиятлари, профилактикаси йўналишлари..... 152

§6.3. Ўзбекистон худудларининг геронт – супергеронт популяциясида сурункали холециститнинг клиник кечишини коморбидлик негизида клиник – профилактик тавсифи..... 154

**VII БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГЕРОНТ – СУПЕРГЕРОНТ ПОПУЛЯЦИЯСИДА ХОЛЕЦИСТИТНИНГ ТУРЛИ ХУДУДИЙ ХОС КЎРИНИШЛАРИНИ ВА АСОСИЙ КЛИНИК СИНДРОМЛАРИНИ ИФОДАЛАНИШИ БЎЙИЧА ҚИЁСИЙ КЛИНИК – ЭПИДЕМИОЛОГИК ТАВСИФИ ..... 158**

§7.1. Фарғона водийсининг геронт – супергеронт популяциясида сурункали холециститнинг оғирлик даражаси бўйича клиник ифодаланишини эпидемиологик тавсифи.....	158
§7.2. Воҳанинг геронт – супергеронт популяциясида сурункали холециститнинг оғирлик даражаси бўйича клиник ифодаланишини эпидемиологик тавсифи.....	158
§7.3. Ўзбекистоннинг геронт – супергеронт популяциясида сурункали холециститнинг оғирлик даражаси бўйича клиник ифодаланиши эпидемиологик тавсифи.....	161
<b>VIII БОБ. ХОЛЕЦИСТИТНИНГ АСОСИЙ КЛИНИК СИНДРОМЛАРИНИ ВА АСОРАТЛАНИБ КЛИНИК КЕЧИШИНИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ГЕРОНТ – СУПЕРГЕРОНТ ПОПУЛЯЦИЯСИДА ТАВСИФИ, ХОЛЕЦИСТИТНИ БАРВАҚТ АНИҚЛАШ, ПРОГНОЗЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКА ҚИЛИШ АЛГОРИТМИ – МОДЕЛИ.....</b>	<b>164</b>
§8.1. Фарғона водийсининг геронт – супергеронт популяциясида холециститнинг асосий клиник синдромларини аниқланиш частоталарини тавсифи.....	164
§8.2. Воҳанинг геронт – супергеронт популяциясида холециститнинг асосий клиник синдромларини аниқланиш частоталарини тавсифи .....	166
§8.3. Ўзбекистоннинг геронт ва супергеронт популяциясида холециститнинг асосий клиник синдромларини аниқланиш частоталарини тавсифи .....	167
§8.4. Ўзбекистон худудларини геронт – супергеронт популяциясида холециститнинг асоратланиб клиник кечишини хос жиҳатларини тавсифи.....	171
<b>ХОТИМА.....</b>	<b>177</b>
<b>ХУЛОСАЛАР.....</b>	<b>185</b>
<b>АМАЛИЙ ТАВСИЯЛАР.....</b>	<b>188</b>
<b>ШҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>189</b>

---

---

## ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР ВА АТАМАЛАР РЎЙХАТИ

---

---

<b>АБ</b>	– артериал босим;
<b>АГ</b>	– артериал гипертония;
<b>АИ</b>	– артериал истеъмоли;
<b>ГТГ</b>	– гипертриглицеридемия;
<b>ГХС</b>	– гиперхолестеринемия;
<b>ДАБ</b>	– диастолик артериал босим;
<b>ДАГ</b>	– диастолик артериал гипертония;
<b>ДЛП</b>	– дислипидемия;
<b>ИХО</b>	– ижтимоий хатар омиллари;
<b>ҚД2</b>	– қандли диабет 2-тури;
<b>МИ</b>	– миокард инфаркти;
<b>Мм.сим.уст.</b>	– миллиметр симоб устуни;
<b>МС</b>	– метаболик синдром;
<b>МСМКИ</b>	– мева-сабзавот махсулотларини кам истеъмоли;
<b>Ммоль</b>	– миллимоль;
<b>ОИАК</b>	– ошқозон –ичак аъзолари касалликлари;
<b>ОТВ</b>	– ортиқча тана вазни;
<b>САБ</b>	– систолик артериал босим;
<b>САГ</b>	– систолик артериал гипертония;
<b>СТХ</b>	– сурункали тошли холецистит;
<b>СХ</b>	– сурункали холецистит;
<b>ХО</b>	– хатар омиллари;
<b>ЭКГ</b>	– электрокардиография;
<b>ЭхоКГ</b>	– эхокардиография ;
<b>ЮБСК</b>	– юқумли бўлмаган сурункали касалликлар;
<b>ЮИК</b>	– юрак ишемик касаллиги;
<b>ЮҚК</b>	– юрак – қон томир касалликлари

---

---

## КИРИШ

---

---

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бутунги кунда демографик тенденциялардан бири бу – сайёра аҳолисининг ўртача умр кўриш давомийлигининг ҳамда кексалар улушининг ўсиши хисобланади<sup>1</sup>. Ривожланган мамлакатларда 65 ёшдан ошганлар улуши ҳозирги вақтда бутун аҳолининг 10-15 фоизини ташкил қилади ва 2050-йилларга келиб бу кўрсаткич икки баробар ортади. Республикамизда ўртача умр кўриш давомийлиги 74,7 ёшга етди<sup>2</sup>. Геронтологик ёшдаги аҳоли сонининг ортиб бораётганлиги ҳисобига, асосан клиник маълумотларга кўра, холецистит билан касалланиш янада ортмоқда. Чунончи, шошилиш тиббий ёрдам муассасаларига тушган холецистит билан касалланган беморларнинг 40% ни геронтологик ёшдагилар ташкил этмоқда. Холецистит терапевтик ва хирургик муаммо сифатида долзарб ҳисобланади, аммо “профилактик тиббиёт” йўналишида, айниқса геронт ва супергеронт аҳоли орасида деярли кўл урилмаган долзарб масала сифатида ҳозиргача сақланиб қолмоқда. Профилактик тиббиётнинг асосий тамойилларига таянган ҳолда холециститни преморбид ҳолатда прогноزلаш, олдини олиш ва даволаш тўлиқ самарага эришиш имкониятини беради. Лекин бундай йўналиш геронтологик беморлардаги холецистит мисолида деярли ривожланмаган, Ўзбекистон шароитида эса, умуман ишлаб чиқилмаган. Ваҳоланг-ки, ўзбек геронт популяциясида ушбу илмий ёндошувга эҳтиёж бор ва яқин йилларда бундай зарурат янада ортади.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда беморларнинг ёш гуруҳларига боғлиқ ҳолда ўт пуфаги касалликларининг эпидемиологик жиҳатларини ўрганишга қаратилган ва ўткир холецистит оғирлик даражаси билан ўт пуфаги яллиғланиши ва лаборатор маълумотлар ўртасидаги корреляцияни

---

<sup>1</sup> <https://data.who.int/ru/indicators>

<sup>2</sup> [https://t.me/statistika\\_rasmiy/4562](https://t.me/statistika_rasmiy/4562)

аниқлаш бўйича кўп марказли популяцион статистик тадқиқотлар энг долзарб бўлиб қолмоқда, коморбид беморларда лапароскопик холецистэктомия ва кичик кесмали холецистэктомиянинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш, гипогликемик дори воситалари, яллиғланиш оксиллари ҳамда ўт пуфаги касалликлари орасидаги корреляцион боғлиқликни, шунингдек, холин метаболитлари ва ўткир тошсиз холецистит ўртасидаги сабаб-оқибат алоқаларни аниқлашга доир тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари холецистит билан хасталанган беморларда профилактиканинг ҳамда хирургиянинг илғор технологияларини жорий этиш орқали олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган<sup>3</sup>. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, холецистит билан хасталанган беморларни даволаш натижаларини яхшилаш, ушбу патологиянинг юқори тиббий ва ижтимоий аҳамияти туфайли профилактика ва хирургиянинг, ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон “Бирламчи тиббий – санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ва 2024 йил 22 январдаги ПҚ-38-сон “Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохатларни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг. 28. 01 2022 йилдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида» ПҚ-60 сонли Фармони.

хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Аниқланишича, бир йилда 64000 атрофидаги беморлар ўткир холецистит бўйича жарроҳлик стационар даволанишга эҳтиёж сезади, бу эса асосан катта ёшли беморларни шикастлайдиган кенг тарқалган жарроҳлик касаллигича қолмоқда (Klinik für Allgemein und Viszeralchirurgie (Германия)); шу билан бирга, ўткир холециститга чалинган беморлар ўлими 0–10% ни ташкил қилади, ташриҳдан кейинги ўлим эса 23–40% га етади (Sapporo Medical University (Япония), Washington University (АҚШ)); холецистэктомия ўтказган беморларда холецистит хавф омиллари, улар орасида гипертония, қандли диабет, юрак қон томир касалликлари, мия қон айланишининг бузилиши, буйрак етишмовчилигининг терминал босқичи ажратилиб ўрганилди (СНА University (Корея Республикаси)); холецистит ривожланишида гемоглобини паст ва умумий билирубин ҳамда ишқор фосфатаза концентрацияси юқори бўлган кишиларда грамм манфий бактериялар ва ўт энтерококки маълум аҳамият касб этиши тахмин қилинган (Anhui Medical University (Хитой)); холецистит келиб чиқишининг энг аниқ омиллари кузатилган кишилар контингентини аниқлаш бўйича тадқиқот натижаларига кўра, кўпроқ анамнезида гипертоник касаллик кузатилган 35–60 ёшдаги аёллар касалланади (Воронеж давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)); ўткир холециститни кузатиш натижалари, асоратлари, клиник кечиши ва патофизиологияси ўрганилган (University of Texas Health Science Center (АҚШ)); ўткир холециститни ташхислаш ва баҳолашнинг янги мезонлари тақдим этилган (Kumamoto University (Япония)); холецистэктомиядан кейинги асоратлар ривожланиши ва оғирлик частотаси ўрганилган, кўпинча ташриҳдан кейинги асоратлар ҳамроҳ кечувчи касалликлари мавжуд катта ёшдаги кишиларда ривожланиши аниқланган (All India Institute of Medical Sciences (Ҳиндистон)); очик холецистэктомия ва лапароскопик холецистэктомия хавфсизлиги ҳамда самарадорлиги қиёсий таҳлил қилиниб, ташриҳдан кейинги асоратлар ёш ва

кекса ёшдаги кишиларда бир хилда жуда кам ҳолатда ҳамда очик киришга қараганда лапароскопик ташриҳдан кейин кам ҳолатда ривожланиши аниқланган (Ospedale di Carate Brianza (Италия)); ташриҳдан кейинги асоратлар хавф омиллари таҳлили 18,3% ҳолатда умумий мураккабликдаги асоратлар, 1,3% ҳолатда ўлимга олиб келувчи натижа аниқланган, уларнинг 14,5% лапароскопик аралашув натижалари ва 29,8% очик холесцистэктомиядан кейинги оқибатлар бўлган, бунда беморлар 65 ёшдан катта, эркак жинсига хос, буйрак фаолияти бузилган кишилар бўлиб, ташриҳ очик холецистэктомия билан яқунланган, унда ташриҳдан кейинги асоратлар ривожланишининг мустақил бўлмаган хавф омиллари аниқланган (University of Helsinki (Финляндия)); олиб борилган тадқиқотлар ташриҳдан кейинги асоратларни тизимлаштиришга имкон берган (University of Missouri (АҚШ)); экспертлар тавсиялари, шунингдек, аниқ клиник вазиятга тегишли охириги тадқиқотлар асосида холециститга диагностик ва терапевтик ёндашувлар асосланган (University of Auckland (Янги Зеландия)); тошсиз холецистит билан касалланган беморларни мослаштирилган индивидуал тезлашган реабилитация дастури ишлаб чиқилган (Узлуксиз касбий таълим Россия тиббиёт академияси (Россия Федерацияси)); холецистит билан оғриган ёш кишиларда психоэмоционал хусусиятлар бўйича тадқиқот натижалари асосида ўт суюқлигининг литоген ўзгаришларини камайтириш, дисбиотик ва липид бузилишларини тузатиш, беморнинг психоэмоционал ҳолати ва ижтимоий-психологик кўрсаткичларини яхшилашга сабаб бўлувчи профилактика ҳамда комплекс даволаш алгоритмининг шахсга мўлжалланган дастури ишлаб чиқилган (Бошқиртистон давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)), ўткир ва сурункали тошли холециститларда жаррохлик тактикалари ва каминвазив оператив даволаш усуллари ишлаб чиқилган (Тошкент тиббиёт академияси, Андижон давлат тиббиёт институти (Ўзбекистон)).

Муаммонинг жиддийлигига қарамай, мавжуд дастлабки манбалар орасида холецистит “профилактик тиббиёт” соҳасида терапевтик ва

жарроҳлик муаммоси сингари долзарбдир. Ёшлар ва ўрта ёшлилар, шунингдек, геронт ва супергеронт популяцияда холецистит эпидемиологияси, олдини олиш, кечиш хусусиятларини аниқловчи устувор алгоритмларнинг яратилиши назарий ва амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Турли ёшдаги аҳоли популяциясида холецистит ва унинг терапевтик ҳамда хирургик муаммоларини ечиб беришга бағишланган илмий кузатувлар олиб борилган (Марков П.В.,2023<sup>4</sup>; Mora – Guzman I., 2020<sup>5</sup>). Асосан клиник тадқиқотларда, турли ёшдаги аҳоли жалб қилиниб, олинган натижалар кўйидаги минтақа ва мамлакатларда эълон қилинган: Ўзбекистонда (Мамасолиев З.Н., 2023<sup>6</sup>), Россияда (Никитин Ю.П.,2019<sup>7</sup>), Японияда (Hirose N., 2020<sup>8</sup>) ва х.к. Мавжуд тадқиқотлар холециститнинг клиник-морфологик муаммоларини ечиб беришда маълум даражада олдинга ташланган қадамни тасдиқлайди. Профилактик усулларга деярли мурожаат қилинмаган, популяция даражасида, айниқса геронт-супергеронт аҳоли гуруҳларида профилактик тиббиёт нуқтаи назаридан холецистит муаммосига ёндошилмаган. Илмий манбаларда геронтхолециститга бағишланган скрининг натижалар жуда кам, борлари ҳам зиддиятли ёки қийматларини вақт ўтиши билан йўқотган. Ўзбекистон популяциясида бўлса (унинг барча ҳудудларини қамраб олган ҳажмда) – умуман йўқ.

Холециститни консерватив даволаш 80%га етиб самара бермайди ва натижада операция асоратлар фонида ўтказилади. Шу сабабли геронт беморларда ўлим 40-50% дан ошиб қайд қилинади (Tsimmerman Y.S.,2022<sup>9</sup>). Бунинг устига асоратланиб ўтувчи ва хамроҳ касалликлар фонида кечувчи

---

<sup>4</sup> Марков П.В., Арутюнов О.Р., Пыхтеев В.С., Власкина Л.А. Лапароскопическая холецистэктомия при удвоении желчного пузыря. Вестник хирургии имени И.И. Грекова. 2023;182(1):81-87.

<sup>5</sup> Mora – Guzman I., Di Martino M., Bonito A.C. et al. Conservative management of gallstone disease in the elderly population: outcomes and recurrence //Scandinavian Journal of Surgery. – 2020; 109(3): 205-208.

<sup>6</sup> Мамасолиев З.Н. Особенности распространенности, развития и профилактики глаукомы у пожилого и геронтического возраста //Автореф... дис. доктора мед. наук (DSc). – Андижан. 2023. – С. 55-56

<sup>7</sup> Никитин Ю.П., Татарина О.В., Черных Н.И. Долгожительство в Сибири и на Дальнем Востоке: демографические и клинические аспекты. Новосибирск. – 2019. – С. 170-171.

<sup>8</sup> Hirose N., Sukuki M., Aral Y. Et al. Correlates of nutritional status in Japanese centenarians //In: centenarians. Autonomy versus Dependence in the Oldest Old/New York: Springer Publ. CO., 2020. P. 61-74.

<sup>9</sup> Tsimmerman Y.S., Gastroenterology. Manual. М.: GEOTAR – Media. – 2022: 20-31.

холециститни геронтологик беморда хирургик даволаш бўйича ҳам ҳозирги пайтда фикр бирлиги йўқ. Шундай экан, геронто-холецистит скрининг усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, барвақт аниқлаш ва профилактика қилиш алгоритмлари ҳамда дастурлари, мавжуд коморбид касалликлар ва холециститнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқиш долзарб масала ва зарурат ҳисобланади. XXI аср шароитида Ўзбекистон ҳудудлари геронт ва супергеронт аҳолисида ёш ва ўрта ёшдагиларга киёсланиб махсус эпидемиологик тадқиқот бажарилмаган.

Бундай маълумотлар мамлакатнинг тиббий- ижтимоий хизматини ташкил этиш, режалаштириш, ривожлантириш, предикция, профилактика, превенция, диспансеризация ва даволаш чора-тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш, ҳаёт сифатининг юқори даражаси билан узок умр кўришга эришиш учун муҳим бўлади. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг тиббий профилактика бўйича ишлар самарадорлигини ошириш ва бу йўналишда соғлиқни сақлаш тизимида янги механизмларни жорий қилиш тўғрисидаги Қарор ва кўрсатмаларда қўйилган вазифаларни бажаришга йўналтирилган.

---

---

**I БОБ. ТУРЛИ ЁШГА МАНСУБ АХОЛИ ПОПУЛЯЦИЯСИДА  
ХОЛЕЦИСТИТ ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ВА ПРОФИЛАКТИКА-  
СИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ: МУВАФФАҚИЯТЛАР,  
МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ АСОСИЙ УСТУВОР  
ЙЎНАЛИШЛАРИ (адабиётлар шарҳи)**

---

---

Холецистит терапевтик, хирургик муаммо сифатида ва “профилактик тиббиёт майдонида” деярли қўл урилмаган долзарб масала сифатида то хозиргача сақланиб қолмоқда. Унинг ўткир шакллари ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштиришда, асосан хирургик ёндошувларни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритиб боришда, юқори натижаларга эришилган [1;2;16;27;115;189;204]. Халқаро ва Ўзбекистон миқёсида ҳам жумладан шундай холециститда бир томонлама номувозанатли ривожланиш профилактикасига қиёсланганда, - мавжуд ёки сақланиб қолмоқда [52;88;193;204].

Буларни ҳисобга олган ҳолда холецистит эпидемиологияси ва профилактикасининг замонавий ҳолатини турли минтақа ва популяцияларда аниқлаш ва баҳолаш жуда муҳим ва долзарб илмий масала ҳисобланади [4;19;26; 40;141].

“Профилактик тиббиёт” ва “клиник тиббиёт” мувозанатини холецистит мисолида тикланиши ёки “профилактик тиббиёт тошини” ортишини таъминлаш касалликни тўлиқ назорат қилиш имкониятини туғдиради, тиббий-иқтисодий йўқотишларни камайтиради ва ташхисот ҳамда даволаш технологияларининг самарасини кескин оширади. Адабиётлар шарҳи, халқаро тажрибалар мушоҳидаси ушбу “илмий ва амалий ҳақиқатни” тасдиқлайди. Улар ҳақида батафсил маълумотлар беришни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

§1.1. Турли ёшга мансуб аҳоли популяциясида холецистит эпидемиологияси ва профилактикасига алоқадор эпидемиологик шароит ва вазиятлар ҳолати ҳамда муаммолари

Холецистит йилдан йилга ўсиб бориш частотаси билан аниқланмоқда. Бу кўп омилларга боғлиқ ҳолда содир бўлмоқда ва шунинг учун, ушбу йўналишда тадқиқотларни, хусусан, эпидемиологик – профилактик мазмунли, амалга ошириш ўта муҳим аҳамият касб этади [42;55;71;126;179].

Sandblom G. et al. (2015) тадқиқотида  $\geq 70$  ёш холециститнинг номақбул асоратларини, масалан, жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратларни, хавфини оширувчи хатар омил ҳисобланади [189]. Умуман, ҳар қандай холецистит бўйича қилинган операция, D.G.Watt ва ҳаммуаллиф (2015). Маълумотлари бўйича, масалан, шошилич лапаратомия кекса беморларда асоратланишларни 58%га ва 30 кунлик ўлимни 22%га оширади [200].

Coccorullo G. et al (2016) кекса ёшдаги 159 та беморда холецистит билан операция қилингандан кейинги асоратларни таҳлил қилишиб хулоса қилишганки, 12,5% ўлим ва 19,4% операциядан кейинги асоратлар келиб чиқади [142].

Ҳар қандай жарроҳлик амалиётини ўтказиш, кекса ва қариялардаги холецистит бўйича, операциядан кейинги ўлим суръатини 2,2% дан 8,8% гача етиб ошириши мумкинлиги 1993 та 65 ёшдан ўтган беморларда Costa G. et al (2020) томонларидан исботли кўрсатилган [143].

Шулардан келиб чиқиб тадқиқотчилар яқдил хулоса қилишган:  $> 70$  ёш холецистэктомиядан сўнги номақбул оқибат, континуумни келтириб чиқарувчи хатар омиллар ҳисобланади [166;169;178;186;].

Кекса, қария, геронт ва супергеронт ёшдаги аҳолида кўпинча коморбид ёндош касалликлар бўлади ва худди шулар сабаб бўлиб ҳар қандай оператив

аралашувни хавфи бўлади ёки хавф кескинлашади. 80 ёшдан кейин деярли барчада ҳамроҳ қўшма касалликлар бўлади ва улар нафақат хирургия талаб қиладиган, балки талаб қилмайдиган холециститнинг ҳам муқобил фармакотерапиясини танлови ва амалга оширилишини қийинлаштиради [166].

Масалан, Nikfarjam M. et al. (2014) маълумотларига кўра холецистэктомия асоратларини 31%га ва лапароскопиядан бўладиган хавфни 21%га оширади [178].

Шу боис, кўплаб тадқиқотчилар исботи хулоса беришадикки, кекса, қария ва геронт ёшдаги аҳолида шошилишч холецистэктомияни бажариш учун нисбий монелик бўлади. Бу ёшдагиларда бажарилган мета-шарҳ ва тизимли мавжуд адабиётларни таҳлиллари ҳам асосан шундай хулосага келишга асос беради [169;186].

Холецистит, Mora – Guzman I. et al. (2020) тадқиқотларида келтирилган натижаларга кўра эса айнан 90 ёшдан ошганларда (80%) ва 80-89 ёшлиларда (28% дан 42% гача етиб частоталарда) юқори даражалар билан аниқланади [175]. Ва юқори хавфлар операцияга зарурат ва эҳтиёж туғилади.

Шунинг учун айнан шу ёшдаги аҳолида ва умуман, бошқа ёшроқ аҳолида ҳам холециститни эрта ташхислаш ва профилактика қилиш масалалари жуда ўткирлашган мавзу бўлиб ҳисобланади ёки шу йўналишдаги эпидемиологик тадқиқотлар катта аҳамият касб этишади [11;22;35;106;137;153].

Ўзбекистон ҳудудларида холециститни масалалари хирургия нуқтаи назардан кенг ўрганилганлиги адабиётлар таҳлилидан аён бўлади ва шундай фикрлар ватандош тадқиқотчилар томонидан ҳам билдирилган. Уларнинг деярли барчалари клиник тадқиқот маълумотлари ва уларда асосан ўткир холециститни хирургик даволашга бўлган замонавий қарашлар ўрганилган [3; 7;12;54;124;125].

Туляганов Д.Б. ва хаммуалл. (2023) кенг адабиёт шарҳини келтириб асосли тарзда, масалан, шундай хулосани баён этишган. Ва яна ушбу муаллифлар томонидан исботли қилинганки, холециститэктомия хозирда ўткир холециститни батамон даволовчи ягона усул бўлиб, даволашнинг бошқа стратегияларига нисбатан операциядан кейинги узок муддатларда билимлар асоратлар миқдори камроқлиги, шифохонада даволаниш муддатларининг қисқароқлиги ва даволанишининг умумий харажатлари билан жумладан, қари ва кекса ёшдаги беморларда ҳам, ажралиб туради [120].

Ошқозон ичак аъзолари касалликлари (ОИАК) билан беморларга тиббий ёрдам кўрсатишни, хусусан, ўт йўллари ва жигар касалликларида, нохирургик йўлларини оптималлаштириш хозирги даврда муҳим масала бўлиб қолган. Айниқса нафақат ёшларда, ўрта ёшлиларда ва узок умр кўрувчилрда ушбу йўналиш муаммолашган. Чунки геронт аҳоли Ўзбекистонда кўпайган ва кўпайиб бормоқда (1.1-жадвал). Иккинчидан, масалан, холециститда хирургик даволаш стратегияларини геронт ёшдаги аҳолида хавфини камайтириш замонавий фанни устувор мавзуси бўлиб доимо келган ва келмоқда. ОИАКдан ўлим кўрсаткичларига ёш омили кучли таъсирини кўрсатади ва буни камайтиришда, фанга ва хусусан хирургия амалиётига профилактик йўналишни кенг жорий қилиниши мақсадга мувофиқ деб тавсия қилинади.

Короганская Е.В. ва хаммуал. (2022) тасдиқлатиб кўрсатишганки, айнан профилактик амалиёт хирургияга, жумладан ўт пуфаги ва ўт йўллари – хирургиясига, кенг жорий қилинмаганлиги натижаси бўлиб ОИАК дан ўлим 2019-2021 йилларда Россияда ошган: жигар касаликларидан – 17,9%дан 22,0% гача ва ўт пуфаги ва ўт йўллари касалликларидан – 0,7% дан 0,9% гача ортган [60].

Хазм аъзолари касалликлари орасида сурункали холецистит нисбатан кенг тарқалган касаллик сифатида қайд этилади. Касаллик ҳар 1000 кишига 10,6 дан тўғри келиб кузатилади. Аёллар эркакларга қараганда 3-4 баробарга кўпроқ хасталанишади; айрим мамлакатларда холецистит билан беморларнинг ҳар тўртинчисида (20%), 65 ёшдан ўтканларда, тош аниқланади [56].

Касалликнинг хатар омиллари сифатида ёғли таомни истеъмол қилиш, стресслар, иммунли ва гормонал тасиротлар, ўт пуфаги нуқсонлари, инфекциялар тасдиқланади. Алкоголь ва парҳезни бузилш холециститни қайталантиради ва авжлантиради (ўнг қовурға ости оғриғи, диспептик симптомлар, иштаҳани йўқолиши, қорин дам бўлиши, ич қотиши, субфебрил ёки фебрил иситма тарзида), 20% ҳолларда ўт санчиғи тарзида ифодаланиб кечади [45;49]. Хозирги дунёда аҳолини ёш структураси уни қариши томон ўзгариб бормоқда. Мутахассисларни баҳо беришларича, 2025 йилга бориб 15 ёшгача бўлган боллар сони 40 процентга камаяди ва кексалар сони икки баробарга ортади. Шунинг учун кекса, қария ва геронт – супергеронт ёшдаги аҳолида аксарият келиб чиқадиган касалликларни, жумладан, холециститни эрта прогнозлаш ва олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш мавзулари хозирданда янада долзарблашади. Хозиргача ҳам бу мавзудаги эпидемиологик ишларни етарлича эмаслиги ёки қониқармаслиги тадқиқотчилар томонидан, адабиётлар тахлили бўйича, кўрсатилади [154;164;170].

Ёш ўтиши билан гепатобилиар тизим ўзаро ишларга учраб боради. Хусусан, жигар хажи кичраяди, унга қон оқими пасаяди, функциялари ва регенератив хусусиятлари ўзгаради. Бу ўзгаришлар, қатор касалликларини ва холециститнинг кечишини модификацияланишига олиб келиш хавфини оширади [1.1-расмда келтирилган; Тајігі К.,2013].

1.1-жадвал


Узоқ умр кўрувчи 100 ёшга тўлган аҳолини Ўзбекистон  
худудларида тавсифи

№	Узоқ умр кўрувчилрни яшаш жойлари	Узоқ умр кўрувчилр сони	
		N	%
1.	Сурхондарё вилоятида	71 нафар	13,9
2.	Қашқадарё вилоятида	92 нафар	18,0
3.	Андижон вилоятида	48 нафар	9,3
4.	Фарғона вилоятида	45 нафар	8,8
5.	Тошкент вилоятида	41 нафар	8,1
6.	Самарқанд вилоятида	36 нафар	7,1
7.	Бухоро вилоятида	35 нафар	6,8
8.	Наманган вилоятида	33 нафар	6,4
9.	Хоразм вилоятида	28 нафар	5,4
10.	Тошкент шаҳрида	26 нафар	5,0
11.	Жиззах вилоятида	16 нафар	3,1
12.	Навои вилоятида	13 нафар	2,5
13.	Қорақалпоғистонда	21 нафар	4,1
14.	Ўзбекистон бўйича:	514 нафар (110 нафари эркаклар – 21,4%; 404 нафари аёллар – 78,6%)	100,0%

**Изоҳ:** маълумотлар 2024 йил 01 январ ҳолатига пенсия жамғармаси хатарига кўра олинган.

Шуни таъкидлаш керак бўладики, холецистэктомия ўт йўллари шикастланишига олиб келади: холестэктомиядан сўнг “кичик” ва “катта” асоратланишлар келиб чиқади ёки шундай хавф доимо сақланиб қолади. “Катта” асоратлар жуда хавфли бўлиб хаттоки ҳаёт учун хавф солади. “Кичик” асоратлар хавфи камроқ бўлсада, аммо О.И.Охотников ва ҳаммуаллифлар (2017) тақдим этишган маълумотларга кўра ташқи ўт оқимини бузилишига олиб келиб септик асоратланишлар хавфини оширади. [91].

Бошқа тадқиқотчилар ҳам бу натижани тасдиқловчи маълумотларни келтиришган: шу каби асоратлар – 0,17 – 0,97% частоталарда улар томонидан тасдиқланган [13;14;21;64;149;190;].



**1.1-расм. Кекса ёшдаги аҳолида жигар касалликларининг модификациясини механизмлари (Тажірі К. ва б.қ.; 196).**

Умуман холецистит эпидемиологиясига оид маълумотларда икки хил хулоса қилинганлиги ва уларга ойдинлик киритиш зарурати келиб чиққанлиги адабиётлар шарҳидан аён бўлади. Аксарият клиник тадқиқотлар натижаларига кўра сурункали тошсиз холецистит кам учрайдиган касалликлар қаторида тилга олинади. Охириги йиллардаги эпидемиологик йўналишли текширувларда бўлса бу хулосага зид фикр билдирилган: сурункали тошсиз холецистит (СТХ) кам учрайдиган касаллик эмас, мавжуд ҳақдаги клиник маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмайди. Ҳазм аъзолари касалликлари таркибида СТХ кўп учрайдиган касаллик бўлиб ҳисобланади. Лекин унинг эпидемиологияси ва клиник кечишига оид кўплаб масалалари ҳозиргача ечилмай қоляпти ва муҳокама қилишни талаб қилади деб салоҳияти тадқиқотларда хулоса қилинади [128].

Хусусан, Звягинцева Т.Д., Шаргород И.И. (2013) тадқиқотлари тасдиқлаб берганки, СТХ ахоли орасида 5% тарқалиш частотаси билан аниқланади ва холелитиазни ва билиар сладж (лойқа)ни олди холат сифатида у қабул қилинади [43].

Анисимова Е.В. ва ҳаммуалл. (2013) кўрсатган натижаларга кўра, СТХ ўт йўлларида барча касалликлари ичида 8-30%ни ташкил қилиб учради. СТХ билан касалланиш йилига ҳар 1000 та аҳолига 6-7 тани ташкил этади. Аёллар, айниқса ёш аёллар, эркакларга қараганда 3-4 баробарга кўп касалланишади [9].

Vitton V. et al. (2012) ва Brayman – Mintzer et al. (2014) тадқиқотларида муҳим натижалар кўрсатилган, қайсиларга холецистит муаммосини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этувчи назария ва амалиёт бўлиб нохирургик консерватив ва профилактик стратегия эканлигини тасдиқлашади: 1) оператив аралашув холецистит масаласида ҳозиргача ўткирлигича қолмоқда, лекин асоратланишлари хавфини кўплиги (айниқса кекса ёшдаги аҳолида) эътиборни тортади; 2) СТК кўпроқ терапевтларнинг гастроэнтерологик амалиётида учрасада лекин барибир охириги йилларда хирурглар ишида ҳам СТКга дуч келиш холатлари кўпайган; 3) ушбу касаллик бир неча этиологик омиллар оқибатида келиб чиқади, ва доимо ҳам консерватив даво ижобий натижага олиб келмайди ёки шу сабабларга кўра профилактик ёндошувга ўткир зарурият бўлади ва ноиложлик ҳаётини зарурати, хирургияга тузилади [139;197].

Анисимов Е.В. ва ҳаммуалл. (2014) маълумотларига кўра холециститнинг барча ёшдаги аҳолида келиб чиқиши ва кечиши асосан аҳолининг трофологик ҳолатини хусусиятлари билан ҳам боғлиқ бўлиб белгиланади. Ушбу тадқиқотчиларнинг клиник ишларида ҳулоса берилишича, тана вазни етишмовчилиги билан беморларда тошсиз холецистит ва ўт пуфаги дисфункциясини клиник ифодаланиши кучлироқ кўринишда ифодаланади ва абдоминал оғриқ синдроми устуворлик қилади.

Бундан ташқари тана вазни етишмовчилиги билан мижозлардаги тана пуфаги касаллигида чекловчи овқатланиш харажати ҳам устуворлик қилади. Тана вазни етишмовчилиги бўлган беморларда холецистит учун специфик клиник ифодаланиши шуки, беморларнинг гастробиоптатларида прояллийганишли хусусиятига эга бўлган цитокинларни ишлаб чиқарилиши ортади [8].

Циммерман Я.С. (2012)<sup>10</sup> ва Ильченко А.А. (2011) каби гастроэнтерология соҳасида катта ютуқларга эришган тадқиқотчиларнинг ишларида ҳам билиар тизим (БТ) касалликлари кенг кўламда ўрганилган. Уларнинг илмий маълумотларидан ҳам исботли кўринадикки, хазм аъзолари таркибида БТ касалликлари, хусусан, холецистит нисбатан кўп учрашади [47].

Гарбузенко Д.В. ва ҳаммуал. (2018) ва Drossman D.A. (2006) тадқиқотларида БТ касалликлари ва, холециститни хусусан, меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида айниқса юқори частоталарда аниқланиши, уларнинг ҳаёт учун хавфи асоратланишлари борлиги ва бундан ташқари юқори кўп сарф харажатлар талаб қиладиган касалликларга айланиб қолинганлиги тасдиқланади. Хулоса қилишадикки, ҳозирги даврда БТ касалликлари ва уни таркибида холециститлар ҳам нафақат гастроэнтерологияни долзарб муаммосигина бўлиб қолмасдан, ва яна умуман олганда тиббиётнинг муҳим ижтимоий – иқтисодий муаммоси ҳам ҳисобланадилар [32;150].

Максимов В.А. (2009) шархий маълумотларида ишончли ва исботли тасдиқлайдики, охириги йилларда ўт пуфаги касаликларида ва хусусан, холециститни этиологиясини, ташхисотини ва даволашини ўрганишда муваффақиятларга эришилганлигига қарамасдан, ушбу касалликлар ҳамон, айниқса эпидемиологияси ва профилактикаси соҳаси бўйича, тадқиқотчиларнинг эътиборлари марказида бўлиб қолмоқда [72].

Костюченко Л.Н. (2002) трофологик етишмовчиликни хазм аъзолари касалликларини мумкин бўлган хатар омили сифатида ўрганган ва уни кўплаб

---

<sup>10</sup> Циммерман Я.С. Гастроэнтерология: руководство. ГЭОТАР – МЕДИА 2012: 20 – 31

касалликларни, жумладан, ўт пуфаги касалликларини ҳам, клиник кечишини оғирлаштириши ва беморни ҳаёт тарзи сифатини ёмонлантириши ҳамда касаллик оқибатини жиддийлаштириши хавфи юқорилиги кўрсатган [62].

Буклис Э.Р. (2004) ва Анисимова Е.В. ва б.қ. (2014) тадқиқотларида ҳам ушбу илмий хулосалар тасдиқланган ва бундан ташқари исботланганки, трофологик етишмовчиликни триггери омиллари бўлиб сурункали колорийли етишмовчилик ва энергетик номувофиқлик хисобланади. Номувофиқлик яна овқат қабул қилишни етарлича эмаслигига, малъабсорбция ва метаболик бузилишлар ҳам тўғридан тўғри таълуқли бўлади [8;24].

Хулоса қилиш мумкинки, зикр этилган ва келтирилган адабий шарҳларни барчаларида эпидемиологик ва профилактик ҳамда прогностик мохиятли тадқиқотларни давом эттириш, ривожлантириш ва уларнинг натижаларини амалий фаолиятга, холецистит мисолида, киритиб бориш долзарб масала ва зарурият бўлиб қолганлиги кўзга ташланади.

§1.2. Турли ёшга мансуб аҳоли популяциясида холециститнинг превентив – профилактик масалалари, долзарб мавзулари ва асосий устувор йўналишлари

Ўткир холециститни даволашда охириги йилларда сезиларли тараққиётга эришилганлигига қарамасдан хирургик аралашувдан бўладиган оқибатлардан қониқиш қилиш кўпчилик хирургларда – йўқ [16; 33; 38; 94].

Буни тасдиғи, Манзюк А.В. хаммуал. (2018), Кашенко В.А. (2022) Leardi S. (2009), Bentrem D.J. et al. (2009) томонидан ўтказилган йирик тадқиқотларни натижаларига кўра операциядан кейинги ўлим 6-9% даражада кузатилади, юқори хатар гуруҳидаги беморларда бўлса – 12-20%ни ташкил қилади [57;75; 114;138;165].

Ўткир холециститни учта тури (даражаси) Халқаро экспертлар томонидан тавсия этилган ва ундан келиб чиқиб даволаш стратегиясини олиб бориш баённомаси ишлаб чиқилган ва клиник амалиётга киритилган (1.2-расм). Ушбу даволаш стратегияси 2007 йили Токиода қабул қилинган

Massarwev N.N. et al. (2019) va Mivra F. et al. (2007) ishlarida taхлил bilan келтирилган [172;173].

1) Ўткир холециститни енгил шакли – ўт пуфагини ўртача ўзгаришлари билан ифодаланади ва органни дисфункцияси кузатилмайди. Холецистэктомияни хавфи паст бўлади; 2) Ўртача оғир даражали ўткир холецистит қуйдагилар билан ифодаланади: а) лейкоцитлар сонини  $18000/\text{мм}^2$  дан ортиши; б) қоринни ўнг юқори квадрантида оғриқли хосилани пальпацияланиши; в) касалликни давомийлигини 72 соатдан ортиқ бўлиши; г) маҳаллий асоратларни бўлиши – ўтли перитонитни, пуфак атрофи абсцессини жигар абсцессини, гангренозли холециститни, эмфизематозли холециститни. 3) Оғир даражали ўткир холецистит органларни дисфункцияси билан боғлиқ бўлади: юрак – қон томир дисфункцияси билан; · асаб тизимини дисфункцияси билан; · нафас дисфункцияси билан; · буйраклар дисфункцияси билан; · гемолитик дисфункция билан (тромбоцитлар сони  $100000/\text{мм}^2$ дан кам бўлади) [110].



**1.2-расм. Ўткир холециститни даволаш протоколи “Токио - 2007” (Совцов С.А., 2013).**

Айнан шундай протоколни ўткир ва сурункали холециститни барвақт аниқлаш ва профилактикасига бағишланиб ишлаб чиқишини ўта муҳим фаолият деб биламиз. Хозиргача ҳудудий ана шундай эпидемиологик протокол/ стандарт/алгоритмлар яратилмаганлиги адабиётлар шарҳидан маълум бўлади.

Махмадов Ф.Н. ҳаммуал (2019), Никитин И.Г. ҳаммуал (2020), Ширинов З.Т. ҳаммуал (2023) илмий натижалари бўйича ўт тош касаллиги 2-4% ҳолатларда ўткир холециститни келиб чиқиши билан асоратланиб кечади ва ўткир холециститни даволашнинг “олтин стандарти” бўлиб лапароскопик холецистэктомия (ЛХЭ) саналади [77;85;132].

Ушбу операция дунёда энг кенг тарқалган операциялардан бири бўлиб қолмоқда. Аммо ЛХЭ салкам 40 йиллик тарихга эга бўлишига ва шу йилларда мунтазам такомиллаштирилиб борилишига қарамасдан, Оморов

Р.А. хаммуал. (2019;2020) ва Murphy M.M. et al. (2010) тақдим этишган хулосалар бўйича, операциядан кейин келиб чиқадиган асоратлардан камайиш тенденцияси кузатилмаяпти ва асоратланишлар 6% атрофида кузатилмоқда [84;88;176].

Ушбу тадқиқотчилар операциядан кейин келиб чиқадиган асоратларнинг сабабларини уч гуруҳга ажратишган: “Хирургия”, “мижоз” ва “оғир холецистит”.

Биринчи гуруҳга кирувчи сабаблар бўлиб тажрибаси етарли бўлмаган хурург ва интерооперационли холангиографиядан етарлича фойдаланмаслик хисобланади. Иккинчи гуруҳ сабабларга холециститни коморбид фониди (семизлик билан, анамнезда операцияни бошдан ўтказганлик, семизлик ва хомиладорлик билан) кечиши билан операция қилиниши киради. Учинчи, операция хавфини оширувчи омиллар бўлиб – деструктивли холецистит, перипуфакли инфилтратни ва ўтказилган микрохолецистостомияни бўлиши хисобланади [135;176;161].

Операциядан кейинги асоратларни камайтириш учун бир неча ёндошув ва усуллар қўлланилади. Шулардан бири соғломлаштиришни тезлаштириш усули (СТУ) хисобланади [188;194].

СТУни қўлланилиши, Сажин А.В. ва б. Қ. (2018) 102 та мижозни жалб қилиб ўтказган проспектив рандомизирланган мультимарказли тадқиқотнинг натижаларига кўра, операциядан кейинги оғриқ синдромини, френитус-синдром ривожланиш частотасини ва операциядан кейинги кўнгил айнишни, бундан ташқари, стационарда узоқ туриб қолишни ҳамда такроран касалхонага тушишни кескин камайтириш имкониятини беради [105].

Операция ва операциядан кейинги хавфли асоратлардан огоҳланиш йўллари излашда давом этиш, зикр этилганлардан келиб чиқиб, демак, заруриятга айланган илмий мавзу бўлиб қолишда давом этмоқда [3;4;7;90;93; 140]. Бунда, энг аввало, профилактик ёндошувларни ривожлантириш кўзда тутилиши халқаро тажрибаларга кўра мақсадга мувофиқ бўлади [162;183].

В.В.Рыбачков ва хаммуалл. (2015) 127 кекса ва қария ёшдаги беморларда бажарилган холецистэктомия вақт ўтиши билан келиб чиқадиган ўзгаришларни ўрганиш натижаларини тақдим қилишган. Тасдиқланганки, операция қилинган вақтдан бошлаб муддат ўтиб бориши билан- ошқозон ости безида, ошқозонда ва 12-бармоқли ичакда патологик ўзгариш ортиб боради. Буларни хаммаси йиғилиб постхолециститэктомик синдромини ривожланишининг хавфини оширади ва медикаментозли коррекцияни талаб қилади [102].

Худди шундай маълумотлар бошқа тадқиқотчилар томонидан ҳам олинган. Рыбачков В.О. (2016), Ашуров А.С. хаммуал. (2016), Бокиев Ф.Б. хаммуал. (2020) ва Бабажанов А.С. хаммуал. (2017) маълумотлар бўйича, биринчидан, холецистэктомияга мурожат қилиш охириги йилларда ортган ва иккинчидан ўт пуфаги олиб ташланган беморларнинг 10-30% тида постхолециститэктомик синдром келиб чиқади. Унинг келиб чиқишида нафақат органик ўзгаришлар ҳам муҳим аҳамият касб этишади [13;14;21;103;].

Олинган натижалар хулоса чиқариш имконини берадики, холецистэктомия операциядан кейин кекса миждозларда чуқур ўзгаришлар жигарда, 12- бармоқли ичакда ва ошқозон-ости безида содир бўлади. Буни олдиндан прогностик ва профилактик амалиёт ўтказиб ҳисобга олиниши керак бўлади [103].

Ўт пуфаги касаллигини яна бир хусусияти, у барча ёш гуруҳларида долзарб муаммо ҳисобланади ва бундан ташқари, бундай миждозлар сони бутун дунё бўйлаб ошиб бормоқда. Вахрушев Я.М. (2015), Гарбузенко Д.В. (2018) маълумотлари бўйича охириги 10 йилда ўт пуфагининг патологиялари частотаси, жумладан холециститни ҳам, кескин ортган ва европа мамлакатлари аҳолисининг 10-20% тида аниқланилади [26;32].

Plchenko A.A., Delyukina O.V. et al (2006) ва Di Ciaula A. (2018) тадқиқотларида холециститнинг хатар омиллари ўрганилган ва баҳоланган.

Улардан маълум бўладики, сурункали холециститнинг турли шакллари келиб чиқишида муҳим ролни қуйидагилар ўйнайди: ирсий

мойиллик, ўт пуфагини нуқсони ривожланиши, сурункали инфекциялар ва холестеринга бой бўлган овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш [40;67;68; 152;173].

Дорофеева С.Г. (2020), кўрсатган натижаларга кўра эса сурункали касалликни бир текисда ўсиб бориш тенденциясига кўпчилик вазиятларда овқатланиш хусусиятларини бевосита таъсири бўлади [38].

Холециститни ва ўт пуфагининг барча бошқа касалликларини келиб чиқишида муҳим рол ўйновчи хатар омили бўлиб семизлик ҳисобланади. Шу билан бирга кахексия ҳам холециститнинг барча турларини келиб чиқиши хатар омил сифатида рол ўйнайди [38;198].

Анисимова Е.В., Козлова И.В. ва Волков С.В. (2014) 167 т ўт пуфаги билан беморларни таҳлил қилишиб аниқлашганки, ўт пуфагининг касалликларини келиб чиқишида, авжланиб боришида ва асоратнишида ҳамда клиник кўринишларида трофологик ҳолатни бузилиши, лептин ва инсулинни қон зардобидида ўзгаришлари билвоситачилик ролида аҳамият касб этишади[8].

Ўткир холецистит аксарият вазиятларда, юқорида бу ҳақда асосли ҳулосалар қилинганидек, шошилинич хирургик аралашув талаб қилади. Хирургик аралашувлар орасида эса лапароскопик холецистэктомия юқори самарали ва энг хавфсиз даволаш усули деб, адабиётлар таҳлили бўйича, деярли барча тадқиқотларда тавсия этилади [5;16;31;33;45;157].

Аммо лекин бу масалада ҳам ханузгача баҳсли саволлар сақланиб қолган, холецистит хирургик гастроэнтерологияни биринчи аҳамиятли муаммоси бўлиб ҳисобланади [18;41;42;63;71;167;168].

“Чунончи, Гаджиев Дж.Н. ва б.қ. (2017)”<sup>11</sup>, Луцевич О.Э. ва б.қ. (2012) ишларида кўрсатилишича холециститнинг барча турлари кекса ва қария ёшдаги аҳолида ортган, касалликдан юз берадиган операциядан сўнгги

---

<sup>11</sup> Гаджиев Дж.Н. и др. Особенности цитокинемии при различных вариантах синдрома системной воспалительной реакции у больных с острым калькулезным холециститом // Хирургия. – 2017. - № 10. –С. 61-65.

асоратлар ва ўлим кўрсаткичлари ошган. Муаммо бу ёшдагиларда тиббий – ижтимоий ва иқтисодий аҳамият касб жиддийлашган [48;70].

Быстров С.В. ва б.қ. (2015) кўрсатган натижаларга кўра ўт пуфагини сурункали эмпиемаси билан беморлар, сурункали холецистит туфайли келиб чиқувчи, улушининг ортиши ортган [25].

Орешкин А.Ю. ва б.қ. (2008) тақдим этган тадқиқот маълумотлари бўйича 60 ёшгача аҳолида 73,5% тарқалиш частотасида деструктив холециститнинг ноанъанавий – “яширин” кечиш тури аниқланади ва кўпинча ўлим ёки операциядан кейинги асоратланишлар хавфини чақиради, ташхисий хатоликларга олиб келади [89].

Кекса ва қарияларда, умуман барча ёшдага аҳолида холециститга хос ўт пуфагида патоморфологик ўзгаришларни, Гаджиев Д. Н. ва б.қ. (2018) маълумотларга кўра, ташхисотнинг асбобий – лаборатор усуллари (УТ, КТ, лаборатория таҳлиллари) аниқ ташхислаш имкониятини бермайди. Бундай клиник вазиятда айрим антимикробли пептид (АМП) ва цитокинларни аниқлаш ташхисий аҳамият касб этади. Ўткир тошли холецистит АМП пептидлар ва цитокинлар концентрациясини ортиши билан ифодаланиб холецистит кечади. Улар яллиғланиш ва деструктив ўзгаришларни кучайиши билан корреляцияланиб ортади. АМПни – энг муҳим маълумотчан биомаркер сифатида ўткир холециститнинг ўткир турларини барвақт аниқлаш учун фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлади деб муаллифлар тавсия этишган.

Охирги йилларда перфоратив холецистит бўйича янги илмий маълумотлар тадқиқотчилар томонидан олинди ва эълон қилинди.

Date R.S. et al. (2012) ва Stefanidis D. et al (2005) илмий хулосаларга кўра перфоративли холецистит клиник кўринишларини турли туманлиги ва умумий ўлим кўрсаткичларини юқорилиги билан ифодаланади. Ушбу муаллифларнинг олган маълумотлари бўйича ўлим частотаси то 40-70% га етиб қайд қилинади [144;191].

Бебуришливи А.Г., С.И. Панин ва Е.Н. Зюбина (2018) 20 йиллик доимий кузатувда 10215 та ўт пуфагини яллиғланиши беморларни ўрганишган. Текширилганларнинг 2,9% ида перфоратив холецистит қайд этилган [17].

Ўт пуфагини перфорациясининг атипик шакллари тарқалиш частотаси (кўп сонли ва кўшма перфорация, ичак ўткир тутилиши кўринишлари ва ички қон кетиш билан) 10%ни ташкил этгагн. Перфоратив холециститдан ўлим частотаси 2%ни ташкил қилган [17].

Перфоратив холециститни С.П.Федоров – Niemeier (1934) таснифи бўйича учта тури ажратилади: I тури – сурункали перфорация, II тури – нимўткир перфорация ва III тури – ўткир перфорация [177].

III – чи турли перфорация – 22%, II турли перфорация – 66% ва III тури – 12% тарқалиш частотаси билан аниқланади [17].

Перфоратив холециститнинг I – типни анъанавий тарзда ўткир холециститнинг хуружини клиник манзараси билан ифодаланади ва динамикада тарқоқлашган перитонит симптомлари келиб чиқади.

II – турли перфорация тиббий ёрдамга кеч қолиб мурожаат қилган ўткир холецистит билан беморларда кузатилади ва аксарият перипуфакли абсцессни келтириб чиқаради, персистирланувчи ўнг қовурға ости оғриғи, кўнгил айниш, иштаҳани йўқолиши ва интоксикация синдроми билан клиник ифодаланади.

I – тури перфорацияда касалликни кечиши даврий кучсиз ифодаланган оғриқ синдроми ва диспептика жараёнлар билан ифодаланади.

Бебуришвали А.Г. ва б.қ. тадқиқотида яна тасдиқланадики перфоратив холецистит беморларнинг хар ўнинчисида ноанъанавий клиник кечиш билан манзараланади: қорин ичига қон кетиш, кўп сонли перфорация (3,4% частота билан) ва ичак тутилиши кўринишлари билан (10%) ифодаланади [17].

Шундай қилиб, перфоратив холециститни ташхислашда ва баҳолашда хисобга олиш керакки, у биринчидан, ўт пуфагининг яллиғланишини турли шаклларида ривожланиши мумкин ва иккинчидан, ўта хилма хил

симптомлар билан тавсифланиб ифодаланади. Асосий даволаш усули бўлиб шошилиш операцияли аралашув хисобланади. Лекин видеоэндохирургик даволаш усуллари имкониятлари перфоратив холециститнинг ноанъанавий клиник вариантларида, холециститнинг бошқа шаклларида қиёсан, анча чегараланган бўлади. Перфоратив холециститни прогнозлаш имкониятини оширувчи ва барвақт аниқлаш усуллари такомиллаштирувчи технологияни ишлаб чиқиш ўта муҳим хисобланади. Бу деярли 55%гача етиб касалликни эрта аниқлаш ва операцияни хавфсиз ўтказиш шароитини беради [15;17].

§1.3. Турли ёшга мансуб аҳоли популяциясида холециститнинг скрининг клиник – донозологик ташхиси масалалари: муваффақиятлар, муаммолар ва ечимларини истиқболли кўринишлари

Гепатобилиар тизимни ўрганишда, ташхислашда ва баҳолашда клиник ёндошувларни устуворлиги ҳамда скрининг – донозологик ташхисот масалаларини эса қиёслаганда кам ўрганилганлиги, мавжуд манбалардан маълум бўлади [12;28;37]. Бунинг натижасида, хусусан, холецистит мисолида ҳам шу йўналишда муваффақиятлар камроқ бўлган ва, аксинча, муаммолар кўпайиб сақланиб қолган ёки холециститнинг профилактикасида оид ечимларини истиқболли кўринишлари тадқиқотларда етарлича асосланмаган.

Холециститни хирургик ечимларини устунлиги эса яққол кўзга ташланади ва/ёки ҳар қалай, айниқса операциялар частотаси ўт пуфаги ва ўт йўллари касалликларида мутассил ортиб бормоқда [34;36;54;103;174;181].

Рыбачков В.В., Дубровина Д.Е. (2016) ўзларининг шарҳли тадқиқотларида зикр этилган тенденцияларни ривожланишини амалиётга ультратовушли текширув усуллари (УТТ) тобора кенг қўламда киритилиши билан изоҳлашади. Шу билан бирга холецистэктомияни ўтказган беморларнинг 10-30%-ида постхолецистэктемик синдром келиб чиқади [55;61;75;76;77;182;184].

Муаллифларнинг 348 та беморларни холецистэктомиядан кейин 10 йил давомида кузатувида яна қуйидагилар тасдиқлаб берилган: 1) қон плазмасида ўт кислотасини концентрацияси кучли бузилади, ушбу бузилиш 10 йилдан

кейингина тикланади; 2) сурункали холецистит бўйича бажарилган холецистэктомиядан кейин бундай ўзгаришлар камроқ, ўткир холециститдан кейинги холецистэктомияда эса нисбатан кескинроқ ифодаланиб аниқланади; 3) ўт кислотасини бундай хусусиятли ўзгариши ва ошқозон-ичак трактининг юқори бўлимларида босимни ортиқча ортиши етакчи хатар омили бўлиб хисобланади. Бундай шароит операциядан кейинги биринчи уч йил давомида келиб чиқади [103].

Бироқ, бизнинг фикримизча, бу тақдим этилганлар жарроҳлик муаммосининг амалиётини биров бўлса ҳам пасайтирмайди. Шубҳасиз, жарроҳни холецистит билан беморларни даволаш тактикасининг ноаниқлиги ҳақида яна бир бор ўйлашга мажбур қилади. Муаммони профилактика томон буриб хал қилиш масаласини долзарблаштиради ва илмий ишларни айнан шу оқимга солиб давом этдириш лозимлигига ишонч туғдиради.

Курбанов Ф.С. ва б.қ. (2019) ўткир холециститни жарроҳлик йўли билан даволашни ва бир суткагача муддатда касалхонадан чиқариш масаласини 283 та беморда ўрганишган. Уларнинг натижаларига кўра, ўткир холецистит билан беморлар операциядан кейинги қисқа муддат ичида асоратлар келиб чиқиши бўйича кўпроқ хавф остида бўлишади.

Шунинг учун, муаллифларнинг тавсияларига кўра, касалхонадан эрта чиқариш масаласини ечишда хирург қуйидаги қоидага амал қилиши керак: 1) операциядан кейин келиб чиқиш мумкин бўлган ҳар қандай асоратларга гумон туғилганда беморни қўшимча текширувга жалб қилиш керак ва ташхисга аниқлик киритиш учун унинг устидан кузатувни давом этдириш лозим; 2) агардаки, эрта чиқаришга бемор розилик бермаса ҳам кузатув ва шифохонада даволаш давом эттирилади [66].

Қардош касалликлар холециститни патогенезида, кечишида ва даволаш дастурларини мувофиқлаштиришда муҳим ўрин эгаллашади. Ушбу соҳада охириги йилларда аҳамиятли маълумотлар тўпланган.

Галашев В.И., Зотиков С.Д. ва Глянцев С.П. (2001), Каримов Ш.И. ва б.қ. (2015) каби тадқиқотчиларни тақдим этган илмий натижалари бу борада диққатни жалб қилади. Охирги йилларда юқори даражали анестезиологик ва жарроҳий хавф гуруҳига кирувчи жарроҳий беморлар сонини ошиб бориш тенденцияси аниқ сезилмоқда. Чунончи, мисол қилиб кўрсатиш мумкинки, катта ёшдаги аҳолида кескин фарқланиб юқори частотада холециститнинг деструктивли шакллари қайд қилинади ва асосан декомпенсацияланган қардош касалликлар фониде кечади.

Ёш гуруҳига мансуб аҳолига солиштирганда ушбу контингентда ўлим частотаси 10-20 баробарга етиб кўп бўлади. Операциядан сўнгги ўлим частотаси ўткир холециститда 1,5%-12%, операция хавфи юқори бўлган аҳоли гуруҳида эса – бу кўрсаткич то 15-25% гача етиб ортиш частотаси билан қайд қилинади [29; 53;187;199].

Совцов С.А., Прилепина Е.В. ва Ионин М.А. (2014) 1998-2010 йилларда 75 ёшдан ошган ўткир холецистит билан 487 беморда ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларини эълон қилишган.

75-79 ёшли мижозлар гуруҳида қардош касалликлар 87% тарқалиш частотаси билан аниқланган. 80 ёшдан ошган ўткир холецистит билан беморларда эса ушбу кўрсаткич 98,5%га чиқиб тасдиқланган. Қардош (коморбид) касалликлар орасида энг кўп юрак ишемик касаллиги, гипертония касаллиги, юрак пороклари, постинфарктли кардиосклероз, юрак аневризмаси, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги, қандли диабет, бош мияда қон айланиши бузилиши каби юрак қон-томир тизими касалликлари қайд этилган. Чарлсон индекси (коморбидликни ўртача кўрсаткичи) 6-9 ни ташкил этган ва ушбу мижозлар дарҳол ўлим келиб чиқиш хавфини юқори ва ўрта юқори гуруҳига киритилган [110].

Эпидемиологик вазиятни холецистит билан беморларда, коморбидлик фониде, кескинлашуви яна шу билан белгиланадики деструктивли жараёнлар билан ўтадиган холециститда беморлар организмида “ўзаро оғирлаштирувчи юк” пайдо бўлади. Бу фон касалликларни декомпенсациясига олиб келади ва

натижада номақбул “охирги нуқталарни” келиб чиқиши, даволаш давомида ортади. Ёшга боғлиқ холда операциядан кейинги ўлим кўрсаткичлари арифметик тарзда ортади. Шундай натижалар тадқиқотларда – Коморницкий В.М. [50] Bentrem D.J. et al. [138] ва Massarwen N.N. et al [172] томонларидан тасдиқланган.

Коморбид фонни, сўзсиз, эътиборга олиб касалликни баҳолаш ва даволаш дастурларини айниқса прогнозлаш ва профилактика қилиш чораларини мукамалтириш муҳим салоҳият касб этади.

О.Е.Бобров ва б.қ. (2008) тақдим қилган текширув натижалари бўйича 60 ёшгача ёш гуруҳидаги аҳолида ўткир холециститдан бўладиган операциядан кейинги ўлим – 0,2 – 0,3%ни, 61-75 ёшда – 2 – 3% ни ташкил этади. Ўткир холецистит билан 80 ёшдан ошган беморларда операциянинг номақбул оқибатини келиб чиқиш хавфи 198,6 баробарга ошиб 5,56%га етади [20].

Холециститни ташхисотида катта ижобий ютуқларга эришаётганлигига қарамасдан – ўн йиллар давомида касалликнинг оғир асоратларини аниқланиши частотаси бирдай ўзгармай қолинаётганлигини тадқиқотчилар кўрсатишади [73;79;80;85;202;203].

Масалан, Харитонов С.В. ва б.қ. (2018), Gurvits G.E., Lan G. (2014), Beuran M. et al. (2010) ва Dai Xin – Zheng et al. (2013) маълумотларига кўра тошли холецистит асорати бўлиб келиб чиқадиган тошли ичак тутилиши 1% дан то 4% гача етиб тарқалиш частотаси билан аниқланади, ўлимни юқори частотада кузатилиши унинг учун хос бўлади. Ўлимни асосий – сабаблари бўлиб ташхисотини қийинчилик туғдириши, қарилик, оғир қардош касалликларни бўлиши ва бундан ташқари касаллик рецидивлари частотасини юқорилиги кабилар хисобланади [90;93;127;156].

Ушбу баён қилинган шарҳлардан яна кўриладики, ўт пуфаги касалликларида / холециститда лапароскопик холецистэктомия (ЛХЭ) энг

кўп қўлланиладиган операция бўлиб ҳисобланади ва ханузгача шундай қолмоқда [99; 100; 108; 109; 119].

Лекин бу жарроҳлик амалиёти техник жиҳатдан яхши ишлаб чиқилган бўлсада, Гордеев С.А. ва б.қ. (2008) ва Попов О.А. (2006) тақдим этишган тахлилий маълумотлардан кўринадики, маълум бир беморларда техник қийинчиликларга дуч келинади ва даҳшатли асоратлар ЛХЭга боғлиқ ҳолда келиб чиқади [97;121;122;123;133;134].

Бундан ташқари кўпчилик вазиятларда ЛХЭ ўт йўлини шикастланишига олиб келади. Гальперин Э.Ч. ва б.қ. [30], Сухарев В.Ф. (2018), Хаджибаев А.М. хаммуал. (2019), тадқиқотларида ЛХЭ бу каби асоратини аниқланиш частотаси – 0,22% дан то 0,7% гача етади.

Капшитарь А.В. (2019) узоқ умр кўрувчиларда холециститни ташхисоти ва даволаш натижаларини 20-йиллик кузатув даврида баҳолашган. Жами 3167 та беморлар таҳлил қилинган.

Ўткир холецистит 9,5% тарқалиш частотаси билан тасдиқланган (илк бирламчи текширув бўйича). УТТдан кейин эса тошли холецистит 50% аниқланиш частотасида тасдиқланган. Аниқланган холецистит кузатув давомида аксарият асоратли кечиш билан ифодаланган: 1) 50% беморларда ўт пуфаги перфорацияси кузатилган; 2) 50% беморда тарқоқ йирингли – фибринозли перитонит келиб чиққан; 3) 50 % бемор абдоминал сепсисдан вафот этган; 4) 50% геронт-бемор тузалган (ушбу беморларнинг хаммасида тошли холецистит билан жарроҳлик амалиётлари бажарилган Лэбман бўйича лапаротомия, холецистэктомия, қорин бўшлиғини ўткир гангренозли холецистит бўйича дренажлаш). Касалликнинг ташхисоти 47,6% беморларда қийин кечган ва қўшимча текширувлардан мини-лапароскопия энг маълумотлиси деб тавсия этилган [51].

Турли ёшдаги аҳолида абдоминал хирургик шошилиш ҳолатлар, жумладан уларнинг сафида узоқ умр кўрувчилардаги холецистит ҳам ўзига хос кузатув тактикасини талаб қилади[81;44].

Даволаш дастурларида анестезияни тўғри танлаш, мини – киришга интилиш, коррекция учун минимал жарроҳлик усул ва эҳтимолий асоратларни барвақт профилактикаси, кўпчилик тадқиқотларда тасдиқланишича, холециститни даволаш натижаларини яхшилади ва унумлаштиради [107;113].

Сопуев А.А., Бакиров С.А. ва б.қ. (2020) кекса ёшдаги аҳолида ўткир холециститнинг айрим замонавий хусусиятларини ўрганишган ва шарҳлашган. Қуйидаги муҳим эпидемиологик, клиник ва профилактик жиҳатларини ишончли тасдиқлашиб беришган: 1) шошилишчи хирургияга тушадиган барча беморларнинг 40%ни 65 ёшдан ўтган шахслар ташкил этади; 2) ўткир холецистит билан беморда ўта хос симптом бўлиб юқори ўнг квадрантда жойлашиб ифодаланган оғриқ хисобланади, оғриқ иситмалаш ва кўнгил айниш ҳамда қайд қилиш билан давом этади; 3) кекса ёшдагиларда касалликни клиник ифодаланиши кескин фарқ қилади, кўпчилик мижозларда қардош касаллик бўлгани учун анъанавий симптомлар бўлмайди; 4) трансабдоминалли ультрасонография ўткир холециститга ўта аниқ ташхис бера олади; 5) ёшларга қараганда кексаларда кўпроқ юқори даражада ифодаланган лейкоцитоз ўткир холецистит учун хос бўлади [112].

Нотўлиқ ёки ноаниқ касаллик анамнези бундан ташқари кексаларда ноанъанавий ва баҳсли физикал текширувларнинг натижаларини бўлиши холециститда ташхисий жараёни қийинлаштиради [159].

XXI асрни хос жиҳатларидан бири, бу – узоқ умр кўрувчилар сонини охириги 15 йилда 4 баробарга кўпайиб 108 000 га етгани хисобланади [39; 148;196]

В.С.Савельев (2005) ва De bernardini I. (2002) маълумотлари бўйича гериаτρик хизматни ташкил қилиш ва такомиллаштириб боришга зарурият туғилган. Айниқса нафақат клиник хирургияга ва шу билан бирга профилактик геронтохирургияга эҳтиёж ортган, унга “қарияларни” ҳаётини узайтиришгина эмас, уларга фаол узоқ умр кўришни таъминлаб бериш мақсади ҳам қўйилган.

Ўткир холециститни ташхисоти ва даволаш усулларини такомиллаштиришда қарияларда ва геронт популяцияда, ютуқларга эришишган. Чунончи улардан бўладиган ўлим то 2,5%га етиб камайган [96; 145].

Адабиёт маълумотларига кўра [111;120;129] энг кенг тарқалган патология бўлиб кекса ёшдагиларда холецистит хисобланади ва хирургик касалликлар орасида иккинчи ўринда туради. Кекса ва қария ёшдаги популяцияда 50% тарқалиш частотасида аниқланади [58]. Эркакларга қиёсан аёллар 5 баробарга кўп касалланишади ва ўлим даражаси бошқа хирургик касалликлардан (аппендицит, жароҳатланган чурра, перфоратив гастродуоденал яралар) ўзиб кетади.

Коновалов О.Е. (1999) тақдим этишган маълумотларга кўра операциядан кейинги ўлим бу ёшдаги аҳолида тобора ошиб бормоқда ва 2% да 12%гача частоталарда кузатилади [59]. Узоқ хорижий мамлакатларда, Роркен F. et al [185] томонидан кекса ва қария ёшли аҳолида олинган натижалар бўйича, ўткир холециститдан операция пайтида ўлим 20 %ни ташкил қилади ёки 80 ёшдан ўтганларда бу кўрсаткич – 40-50%га етади.

Умуман, турли минтақаларда ўтказилган тадқиқотларни шарҳидан бизга маълум бўлдики, ўткир холецистит ёки жами ўт пуфаги касалликлари кекса, қария ва геронт аҳолини касаллиги бўлиб қолган. Бу ёшларда холецистит учун мойиллик кескин ортади: ўт пуфагидаги морфологик ўзгаришларни келиб чиқиши, умумий ва маҳаллий қон айланишини бузилишлари, димланиш, инфекция ва панкреас – пуфакчали рефлюксларни келиб чиқишлари шулар жумласидандир [87; 112; 120].

Маълум бўладики, холециститни эпидемиологияси ва профилактикасига бағишланиб ўтказилган махсус тадқиқотлар ёш, ўрта ёш ва геронт-супергеронт популяцияда жуда оз ва Ўзбекистон шароитида – йўқ, маҳаллий фан ва тадқиқотчиларнинг эътиборидан четда қолган. Холецистит – терапевтик ва хирургик йўналишлари барча ёшдаги аҳолида хануз қизгин муҳокама чақирмоқда. Масалани бундай ўткир қўйилиши – ушбу мавзуга

бағишланган тадқиқотларнинг етарлича эмаслиги билан, энг аввало, изоҳланади деб хулоса қилишга адабиётлар шархи тўлиқ асослар беради.

§1.4. Турли ёшга мансуб аҳолида холециститни барвақт аниқлаш прогнозлаш ва профилактика қилиш технологияларининг янги шаклларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўллари ҳолати: уларни модернизация қилиш йўналишлари

Таъқидлаш керакки, ёш ва ўрта ёш ҳамда кекса ва қария ёшидаги аҳолида касалликларни, жумладан, ошқозон ва ичак тизими касалликларини ҳамда холециститни, ўрганишга бағишланган маълумотлар адабиётларда ортиқча кўп. Олинган натижалари турли мамлакатларда эълон қилинган: Японияда [160], Италияда [153;145], Швецияда [158], Данияда [137], АҚШда [171], Венгрияда [19], Ўзбекистонда [74;126], Россияда [86], Озарбайджонда [11], Украинада [35], Новосибирскда [86], Хитойда [141], Германияда [179], Тюменда [22] ва Санкт-Петербургда [106].

Л.В.Ленская (2004) 525 та узоқ умр кўрувчиларни Санкт-Петербург шароитида текширган. Текширилганлар орасида хазм тизими фаолияти бузилишига хос шикоятлар – 45,5% (аёлларда) ва 66,7% дан (эркакларда) тарқалиш частотасида аниқланган. Бундай шикоятлар энг кам частота билан 90-94 ёшлиларда ва юқори частотада – 95-99 ёшлиларда тасдиқланган.

Холецистит – 18,1% частотада тарқалиш билан аниқланган, энг юқори кўрсаткич 95-90 ёшлиларда (16,7%) ва нисбатан кам тарқалиш частотаси билан (12,5%) 100 ёшдан ўтганларда қайд қилинган [69].

Комарова Л.Н. (2009) Тюмен шаҳрининг 6462 та кекса ёшдаги ва 260 та геронт ёшдаги аҳолисида клиник –эпидемиологик тадқиқотни амалга оширган. Ушбу популяцияда хирургик патологиялар 15% частотада тасдиқланган ва улар орасида холецистит 35,4% тарқалиш частотани ташкил қилиб учраган. тадқиқотда ишлаб чиқилган алгоритм кекса, қария ва геронт ёшдаги аҳолининг ҳаёт сифатини 64,6%га яхшилаган [58].

Келтирилган маълумотлардан яна аён бўладики, бугун тиббиёт олдига янги, ўта ўғир вазифалар қўйилмоқда.

Бу ҳаёт даражасини юқорилиги билан боғлиқ ҳолда геронт-супергеронт аҳолини ҳар 10 йилда 5-7%га етиб ошиб бораётганлига алоқадор бўлган вазифалардир, қайсиларки холециститга ҳам тегишли бўлади. Чунки, адабиёт шарҳида тасдиқланганидек, холецистит – ушбу ёшда ( $\geq 90$  ёш) нисбатан тез-тез учраб турадиган касалликларидан бири ҳисобланади. Мазкур контингент аҳолида холецистит юрак- қон томир касалликларига ва бошқа юқумли бўлмаган касалликларга қўшилиб тасдиқланади. Ўткир холециститнинг асоратланган турларида ўлим частотаси 8-12% гача етиб кузатилади [15].

Адабиётларда холециститни геронт аҳолида клиник кузатуви бўйича олинган маълумотлар оз сонда бўлса ҳам бор ва улар асосида амалиёт ҳамда превентив фаолият учун хулоса чиқарса бўлади. Хусусан, охириги йилларда кекса, қария ва геронт ёшдаги аҳолида ўткир холецистит билан касалланишни ўсганлиги яқин ва хорижий мамлакатларда қайд қилинган [65; 104;146].

Холециститнинг тошли турини хирургик даволаш усулларида катта ижобий натижаларга эришилган ва катта ёшдаги аҳолида кичик-инвазивли хирургияни қўллаш мустаҳкам ўрин эгаллаган [92;118;136;180].

Панфилов Б.К. ва б.қ. (1999) холециститни хирургик гастроэнтерологиянинг XXI асрдаги биринчи рақамли муаммоси деб тасдиқлашади, чунки ушбу муаллифларни берган маълумотлари бўйича холециститда жарроҳий фаоллик 77,3%ни ташкил этган [92].

Маят В.С. (1995) шахсий натижалари бўйича Москва шароитида холецистит билан беморларни сони 1992 – 1998 йиллар оралиғида 3527 тани, аппендицит билан беморлар сони эса 2763 тани ташкил қилган. Бундан аён бўладики, холецистит билан касалхонага тушиш аппендицит бўйича тушганларга қараганда 854 тача ортиқ бўлган. Бу натижалар ҳам ҳозирги

вақтга келиб хирургик гастроэнтерологияда холецистит биринчи ўринни эгаллаб турганини тасдиқлайди.

Шундай “биринчиликни” тадқиқотчилар ўтган асрнинг 70-чи йилларидан бери давом этаётганлигини тасдиқлашади [78].

Бошқа тадқиқотларда ҳам айнан шундай натижалар тақдим қилинган: ҳозирги пайтда ўткир холецистит хирургик шифохонага тушаётган беморлар орасида 1-чи ўринга чиққан, операция қилинганлар орасида бўлса – ўткир аппендицитдан кейин муҳим 2-чи ўринни эгаллайди [32;40;43;83;84].

Мавжуд тадқиқотларда турли ёшга мансуб аҳолида холециститни тарқалиши, хатар омиллари, келиб чиқиш механизмлари, ножарроҳий ва жарроҳий даволашни хусусиятлари, асоратланишлари ҳақида тадқиқотчилар янги маълумотларни тақдим этишган.

Холециститэктомия ўткир холециститни асосий даволаш усули ҳисобланади. Шалимов А.А. ва б.қ. олган натижаларга кўра режали амалга оширилган операциядан кейин 0,2-0,3% ўлим ҳолати кузатилади [131].

Прилепина Е.В. (2011), Мусабаев Е.М. ва б.қ. ҳамда Чадаев А.П. маълумотлари бўйича холецистэктомия операциясидан кейин бўладиган ўлим айрим хирургик клиникаларда 12% га етади, ўткир холециститнинг перитонит билан асоратланган гангренозли шаклида – то 46%га етиб ортади [82;98].

Асоратланмаган ўткир холециститда ўлим частотаси – 0,5% дан ошмайди, умумий холецистит билан беморларни гериатрик гуруҳи эса 65%-95%ни ташкил этиб учрайди [5].


Ширинов З.Т. ва б.қ. (2021) 2015-2019 йиллар оралигида 50 та 60 дан 90 ёшгача бўлган миждозларда (60-74 ёшлилар – 41 та, 75-89 ёшлилар – 9 та ва  $\geq 90$  ёшлилар – танловга тушишмаган) проспектив текширув ўтказишган. Ўткир тошли холецистит (ЎТХ) билан шифохонага тушган ва даволанган ушбу беморларнинг барчаси Токио протоколи (2018) фойдаланиб операция қилинган.

Кузатув тахлилидан келиб чиқиб қуйидаги муҳим хулосалар чиқарилган ва амалиётга ўткир деструктив тошли холециститни операцияга боғлиқ келиб чиқадиган ўлимни 98%га камайтириш имконини берадиган алгоритм ишлаб чиқилиб амалиётга тавсия этилган (1.3-расм): 1) ўткир деструктивли тошли холециститда танлов фаол хирургик тактика бўлиши керак; 2) хавфсиз холецистэктомия ва ёндош тизимларни ятроген шикастланишларни профилактикаси учун “тубидан” мохиятли субтоталь холецистэктомия таклиф қилинган [150].

Турли ёшли аҳолида, асосан кекса ва қария ёшли деструктив тошли холецистит билан беморларда ушбу таклиф этилган алгоритмни қўлланилишини самаралилиги муаллифлар томонидан ишончли исботланиб берилган: интра – ва барвақтли операциядан кейинги асоратлар, умумсоматик асоратлар ва ўлим кескин камайган, беморни касалхонада қолиш муддати қисқарган [8].

Бахтга қарши, бизнинг манбаларни ўрганишимиз ва изланишимиз кўрсатдики, айнан шундай, лекин “предиктив”, “превентив” ва “профилактик” устунларни ҳам қўйиб яратилган алгоритм мавжуд эмас экан [116;117].

## КОНВЕРСИЯ



**1.3-расм. Ўткир деструктив тошли холециститни таххисоти ва хирургик даволаш алгоритми [цит. З.Т.Ширинова ва б.қ. дан 104].**

Ёш, ўрта ёш ва геронт-супергеронт аҳолида холециститни эпидемиологияси, кечиши ва профилактикаси хусусиятларини устувор қўйиб алгоритмларни яратиб бериш фан ва амалиёт учун долзарб масала ва зарурият бўлиб қолган. Бундай амалиётни киритилиши, мавжуд технологияларни холецистит мисолида, бизнинг тахлилларимиз бўйича, ижобий натижаларини яна 80-90% гача ошириши мумкин бўлади [49;151].

## §1.5. Боб бўйича хулосалар

Мавжуд манбалар шохидлик берадики, ёш ва ўрта ёш ҳамда геронт – супергеронт аҳолида холецистит билан касалланиш охириги йилларда барқарор ўсган ва ўсиб бормоқда. Айниқса унинг асоратланган шакллари то 60-68% гача частоталарда ошган. Касалликдан ўртача ўлим даражаси кўрсаткичлари юқори – 8-20% (60 ёшдан ўтганларда) ва 40-80%ни (80 ёшдан ўтганларда) ташкил қилади.

Ўткир хал қилинмаган мавзу бўлиб кўзга ташланадиган яна иккита холат аниқланади: Биринчиси, операциядан кейинги асоратларни то 44% гача етиб тасдиқланаётганлиги ва иккинчиси, холециститни 93%-га етиб коморбидлик фонида келиб чиқиши, клиник ифодаланиши ва асоратланаётганлигидир. Буларга эътиборни кескин кучайтирилиши ўта муҳим илмий масала бўлиб қолган.

Бундан ташқари, адабиётлар тахлилида яна хулоса қилиш мумкин бўладики, холециститда хирургик аралашувини муддати ва хажми тактикаси хозиргача ойдинлаштирилмаган, мавжуд тавсиялар ва ёндошувлар бахсли. Кўпчилик тадқиқотчилар консерватив даволашни, масалан, тошли холециститда, тарафдори бўлиб чиқишган. Аммо бундай давони 80% холатларда самарасиз эканлиги тасдиқланган ёки консерватив стратегияни “ортиқча бўрттириш” операцияни асоратлар фонида бажаришга ва организмнинг компенсатор имкониятларининг “силласини қуритиши” олиб келган. То хозиргача холецистит барвақт аниқлаш, олдини олиш ва профилактикасини таъминлаб бера оладиган, коморбидликни ҳисобга олиб, алгоритмлар ва дастурлар ишлаб чиқилмаган ва амалиётга киритилмаган.

Эпидемиологик мониторинг асосланиб мана шундай инновацияларни ёшларда ўрта ёшли аҳолида, геронт ва супергеронт аҳолида яратиш ва амалий фаолият учун киритиш – актуал ва, сўзсиз, ечилиши зарур бўлган илмий – амалий долзарб мавзу бўлиб қолган.

---

---

## II БОБ. ШАХСИЙ ТЕКШИРИШ НАТИЖАЛАРИ

### ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛИ ВА УСУЛЛАРИ

---

---

#### §2.1. Тадқиқотни ташкил қилиш ва амалга оширишни тавсифи

Ушбу тадқиқот бир вақтли эпидемиологик текширув ҳисобланади ва у 2022 та аҳоли популяциясида олинган натижаларни таҳлилига асосланган. Тадқиқотга мамлакатнинг 6 та вилояти – Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Қашқадарё ва Сирдарё аҳолиси жалб қилинди.

“Скрининг текширув гуруҳи (терапевт, кардиологик, умумий амалиёт шифокори, офтальмолог, хирург, профилактик тиббиёт бўйича мутахассислар) ташкил этилди ва илмий жамоа махсус эпидемиологик текширув учун тайёрланди (малакаси оширилди ва сертификат берилди)”



2.1 – расм. Текширув тавсифи

Тадқиқотни тавсифи 2.1-расмда келтирилган. Тадқиқотни ташкил қилиш тизими ва ғояси ЖССТ томонидан эпидемиологик текширувлар учун ишлаб чиқилган мезон ва талаблар бўйича шакллантирилди [WHO, 2018].

Ишда қўйилган вазифалардан келиб чиқиб Ўзбекистоннинг водий ва воҳа худудларида 6 та бир вақтли эпидемиологик тадқиқот ташкил қилинди ва амалга оширилди: Андижоннинг эркак ва аёллар, ёш ва ўрта ёш ҳамда геронт-сепергеронт популяциясида; Наманганнинг эркак ва аёллар, геронт-супергеронт популяциясида; Фарғонаннинг эркак ва аёллар, геронт-супергеронт популяциясида; Жиззах эркак ва аёллар, геронт ва супергеронт популяциясида; Сирдарё эркак ва аёллар, геронт-супергеронт популяциясида; Қашқадарённинг эркак ва аёллар, геронт-супергеронт популяциясида.

Эпидемиологикни ташкил қилиш ва ўтказишни алоҳида тавсифлари таъминланди: скрининг гуруҳи ташкил этилди, сўровнома-анкеталар тайёрланди ва скрининг гуруҳи тадқиқот учун зарур ускуналар билан таништирилди (2.2-расмда эпидемиологик тадқиқотни ташкил қилиш ва ўтказиш тавсифи баён қилинган).

Келтирилган маълумотлардан кўринадикки, тадқиқот олди босқичида унинг ишончли натижаларини таъминлаб бериш кафолатини берувчи фаолиятлар бажарилди. Чунончи аҳоли танловини шакллантириш ўрганилди ва таъминланди, аҳоли миграциясини пастлиги таъминланди, аҳолининг репрезентативлиги таъминланди, маҳаллий/худудий скрининг марказлари ташкил қилинди ва бошқа текширувларга жалб қилинмаган аҳоли популяцияси ажратилди. Бундан ташқари, аҳоли билан мулоқотга киришга тайёргарлик ишлари, скрининга керакли ускуна ва кодловчи вароқларни тайёрлаш ишлари бажарилди. Эпидемиологик ташхисни шакллантириш мезонлари ишлаб чиқилди, амалий-профилактик тавсияномалар нусхалари ишлаб чиқилди ва популяцияни статистик қайта ишлаш учун етарли сони таъминланди.

## II боб тадқиқот материаллари



2.2-расм. Тадқиқотни амалга ошириш

Эпидемиологик скринингга тайёргарлик ишлари олиб бориш босқичида, халқаро талаблардан келиб чиқиб, ходимларни скринингга тайёрлаш ва ходимлар билан тренинг машғулотлар ўтказиш ишлари бажарилди. Популяция билан ишлаш тартиби яратилди ва популяцияни текширув тартиби ишлаб чиқилди.

§ 2.2. Тадқиқотга жалб қилинган ёш ва ўрта ёш популяцияни тавсифи

Тадақиқотга жалб қилинган аҳоли- популяцияни ёши 18-74 дан то  $\geq 90$ -109 ёшгачани ташкил қилди. ЖССТ қабул қилган тавсиялар бўйича ёш гуруҳлари ажратилди: ёш популяция (18-44), ўрта ёшли популяция (45-59), геронт популяция (90-109) ва супергеронт популяция ( $>109$ ).

Эпидемиологик текширувга жалб қилинган ёш ва ўрта ёш популяцияни тавсифи 2.1-жадвал ва 2.3-расмда тақдим қилинган.

### 2.1 – жадвал

#### Эпидемиологик текширувга жалб қилинган ёш ва ўрта ёш популяцияни тавсифи

Популяцияни тавсифи	Популяцияни ёш гуруҳлари				18 – 59 ёшдаги популяция (n=1997)	
	Ёш популяция (n=1353)		Ўрта ёш популяция (n=644)			
	n	%	n	%	n	%
Эркаклар	737	54,5	392	60,9	1129	56,5
Аёллар	616	45,5	252	39,1	868	43,5
Ақлий меҳнат устуворлиги билан популяция (АМУП)	122	9,0	58	9,0	180	9,0
Жисмоний меҳнат устуворлиги билан популяция (ЖМУП)	1231	91,0	586	91,0	1817	91,0
Оилавий ҳолати яхши популяция (оилали) - ОХЯП	761	56,2	440	68,3	1201	60,1
Оилавий ҳолати қониқарсиз популяция – ОХҚП (ажрашган, оиласиз)	592	43,8	204	31,7	796	39,9
Маълумоти олий популяция (МОП)	154	11,4	98	15,2	252	12,6
Маълумоти ўрта популяция (МУП)	1199	88,6	546	84,8	1745	87,4
Абориген (ўзбеклар) аҳоли - АА	884	65,3	434	67,4	1318	66,0
Келгинди (бошқа миллатлар) аҳоли - КП	469	34,7	210	32,6	679	34,0

**Изоҳ:** 1) Қишлоқ шароитида ўтказилган текширувга жалб қилинган 18-44 ва 45-59 ёшли аҳоли; 2) Ёш популяция деб 18-44 ёшдагилар қабул қилинади, ўрта ёшдагилар деб 45-59 ёшдагилар қабул қилинади; 3) 18-44 ва 45-59 ёшли популяцияни гендерли, этник ва ижтимоий – демографик хусусиятлари

Жами 18-59 ёшли 1997 та ахоли текширилган, уларнинг 1353 тасини ёш популяция ва 644 тасини ўрта ёш популяция ташкил қилган. Текширилган аёллар сони – 868 та (43,5%), эркеклар – 1129 та (56,5%).

Шундан ёш эркеклар популяцияси – 737 та (54,5%), ўрта ёш эркеклар – 392 та (60,9%), ёш аёллар популяцияси – 616 та (45,5%) ва ўрта ёш аёллар – 252 та (39,1%).

18-59 ёшли умумий популяция, 18-44 ёшли популяция ва 45-59 ёшли популяция мувофиқ равишда қуйидаги эпидемиологик ва ижтимоий-демографик ҳамда этник хусусиятлар билан тавсифланади: 1) ақлий меҳнат устуворлиги бўлган популяция (АМУП) – 9,0%, ва 9,0% дан; 2) жисмоний меҳнат устуворлиги бўлган популяция (ЖМУП) – 1817 та (91,0%), 123 (91,0%) ва 586 та (91,0%); 3) оилали, оилавий ҳолати яхши популяция (ОХЯП) – 1201 та (60,1%), 761 та (56,2%) ва 440 та (68,3%), оилавий ҳолати қониқарсиз – ажрашган ва оиласиз популяция (ОХҚП) – 796 та (39,9%), 592 та (43,8%) ва 204 та (31,7%), маълумоти олий популяция (МОП) – 252 та (12,6%), 154 та (11,4%) ва 98 та (15,2%), маълумоти ўрта популяция (МЎП) – 1745 та (87,4%), 1199 та (88,6%) ва 546 та (84,8%), абориген (ўзбеклар) популяция (АА) – 1318 та (66,0%), 884 та (65,3%) 434 та (67,4%), келгинди (бошқа миллатлар) популяция (КП) – 679 та (34,0%), 469 та (34,7%) ва 210 (32,6%).

§2.3. Тадқиқотга жалб қилинган геронт ва супергеронт популяцияни тавсифи

Узоқ умр кўрувчи популяция (геронт-супергеронт ёшдаги ахоли - УУКП) жами Ўзбекистоннинг 6 та ҳудудидан тадқиқотга жалб қилинди (улар тавсифлари 2.2-2.5 жадвалларда ва 2.4-расмда тақдим этилган). Республиканинг 6 та вилояти ва 2 та минтақасидан тадқиқотда жами 635 та УУКП текширилди, эркеклар – 258 та ва аёллар – 377 та.

Уларнинг 630 тасини геронт ахоли (эркаклар – 257 та ва аёллар – 373 та) ва 5 тасини супергеронт ахоли (эркаклар – 1 та ва аёллар-4 та) ташкил қилади.

Тадқиқотда комплекс текширилган жами УУКПни сони, Фарғона водийсининг 3 та вилоятдан, 410 тани (эркаклар – 149 та ва аёллар 261 та) ва Воҳанинг 3 та вилоятдан – 220 тани (эркаклар – 108 та ва аёллар – 112 та) ташкил этади. Фарғона водийси бўйича 410 та геронт популяция (149 та эркаклар ва 261 та аёллар) ва 3 та супергеронт популяция (эркаклар бу ёшдагилар йўқ ва аёлларда – 3 та) тадқиқотга жалб қилинди. Воҳанинг 3 та худудидан (Жиззах, Қашқадарё ва Сирдарё) бўлса – 220 та геронт ахоли (эркаклар – 108 та ва аёллар – 112 та) ва 2 та супергеронт популяция (1 та эркак ва 1 та аёл) текширилди (2.2-жадвал).

Абориген ва келгинди геронт-супергеронт ахолини эпидтадқиқотдаги иштироки қуйидагича тавсифланади (2.3-жадвалда кўрсатилган) 1) Республика бўйича жами – 564 та (эркаклар – 233 та ва аёллар – 331 та) ва 71 тани (эркаклар – 25 та ва аёллар – 46 та); 2) Воҳадан – 178 та (91 та эркаклар ва 87 та аёл) ва 44 тани (эркаклар 18 та ва аёллар 26 та); 3) Фарғона водийси бўйича – 386 та (142 та эркаклар ва аёллар 244 та) ва 27 та (эркаклар 7 та ва аёллар – 20та) абориген ва келгинди ахоли текширувига жалб қилинган.

Геронт-супергеронт қишлоқ ахолисини текширув сони Республика бўйича 475 тани (эркаклар – 207 та ва аёллар – 268 та), Фарғона водийси бўйича – 276 тани (эркаклар – 106 та ва аёллар – 170 та) ва Воҳа худудларидан – 199 тани (эркаклар -101 та ва аёллар – 98 та) ташкил этади.

2.4-жадвал маълумотларида тақдим этилганидек, геронт- супергеронт шаҳар популяциясида текширилганларнинг Республика бўйича – 160 тани (эркаклар – 51 та ва аёллар – 109 та), водий бўйича – 137 тани (эркаклар-4 ва аёллар 94 та) ва Воҳа худудларидан – 23 тани ташкил этди (эркаклар – 8 та ва аёллар – 15 та).

2.5-жадвал ва 2.4-расмда турли касбларда / меҳнатларда ишлаб фаолиятини яқунлаган геронт-супергеронт аҳолининг эпидемиологик тадқиқотдаги иштирокни тавсифи кўрсатилган.

Рақамли маълумотлардан кўринадики, Республика бўйича жами ақлий меҳнат билан шуғулланган – 85 та геронт – супергеронт аҳоли (эркаклар – 31 та ва аёллар 54 та) ва жисмоний меҳнат билан шуғулланган 550 та геронт-супергеронт популяция (эркаклар -227 та ва аёллар – 323 та) тадқиқотда текширилган.

Воҳа худудидан ақлий меҳнат билан шуғулланган 22 та (7 та эркак ва 15 та аёллар ва жисмоний меҳнат билан шуғулланган 200 та (эркаклар – 102 та ва аёллар -98 та) геронт-супергеронт аҳоли текширилди.

Водийнинг ақлий меҳнат ва жисмоний меҳнат билан иш фаолиятини яқунлаган геронт-супергеронт аҳолининг эпидемиологик тадқиқотда иштирок этганларни сони қуйидагича таснифланади (мувофиқ бўлиб): 39 та (эркаклар – 24 та ва аёллар – 39 та) ва 350 тани (эркаклар – 125 та ва аёллар – 225 та) ташкил қилинган.

#### § 2.4. Текшириш усуллари

Тадқиқотда сўровномали, тиббий – клиник, махсус, лаборатор – биокимёвий ва гематологик текширув усуллари қўлланилди.

##### § 2.4.1. Сўровномали усуллар

Ўзбекистон Республикаси ССВ қошидаги Этика кўмитаси томонидан тасдиқланган ва эпидемиологик текширувларда қўлланишга тавсия қилинган “Сурункали ноинфекцион касалликларни аниқлаш учун Сўровнома - Анкета” қўлланилди (У.К.Каюмов).

**Эпидемиологик тадқиқотида комплекс текширилган геронт ( $\geq 90$  – 109 ёшли) ва супергеронт ( $>109$  ёшли) аҳолининг репрезентатив гуруҳини тавсифи**

Текширув худудлари	Геронт аҳоли						P	Супергеронт аҳоли						Жами узоқ умр кўрувчи популяция					
	Эркаклар		Аёллар		Жами			Эркаклар		Аёллар		Жами		Эркаклар		Аёллар		Жами	
	abs	%	abs	%	abs	%		abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
Андижон	35	13,6	68	18,2	103	16,3	<0,001	0	0	2	50,0	2	40,0	35	13,6	70	18,6	105	16,5
Фарғона	83	32,3	139	37,3	222	35,2	-	0	0	0	0,0	0	0	83	32,2	139	36,9	222	35,0
Наманган	31	12,1	54	14,5	85	13,5	<0,001	0	0	1	25,0	1	20,0	31	12,0	55	14,6	86	13,5
Жиззах	25	9,7	22	5,9	47	7,5	-	0	0	0	0	0	0	25	9,7	22	5,8	47	7,4
Қашқадарё	56	21,8	61	16,4	117	18,6	<0,001	1	100,0	0	0	1	20,0	57	22,1	61	16,2	118	18,6
Сирдарё	27	10,5	29	7,8	56	8,9	<0,001	0	0	1	25,0	1	20,0	27	10,5	30	8,0	57	9,0
Фарғона водийси	149	58,0	261	70,0	410	65,1	<0,001	0	0	3	75,0	3	60,0	149	57,8	264	70,0	413	65,0
Воҳа худуди	108	42,0	112	30,0	220	34,9	<0,001	1	100,0	1	25,0	2	40,0	109	42,2	113	30,0	222	35,0
Русублика худудлари	257	100,0	373	100,0	630	100,0	<0,001	1	100,0	4	100,0	5	100,0	258	100,0	377	100,0	635	100,0

**Эслатма:** геронт эркак ва аёллар 90 – 109 ёшлилар, супергеронт эркак ва аёллар - > 109 ёшдан ўтганлар аҳоли.

## Абориген ва келгинди геронт – супергеронт аҳолини тадқиқотдаги иштирокини тавсифи

Текширув худудлари	Абориген геронт-супергеронт аҳоли						P	Келгинди геронт-супергеронт аҳоли						Жами аҳоли					
	Эркаклар		Аёллар		Жами			Эркаклар		Аёллар		Жами		Эркаклар		Аёллар		Жами	
	abs	%	abs	%	abs	%		abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
Андижон	33	14,2	67	20,2	100	17,7	<0,001	2	8,0	3	6,5	5	7,0	35	13,6	70	18,6	105	16,5
Фарғона	80	34,3	124	37,5	204	36,2	<0,001	3	12,0	15	32,6	18	25,4	83	32,2	139	36,9	222	35,0
Наманган	29	12,4	53	16,0	82	14,5	<0,001	2	8,0	2	4,3	4	5,6	31	12,0	55	14,6	86	13,5
Жиззах	22	9,4	16	4,8	38	6,7	<0,001	3	12,0	6	13,0	9	12,7	25	9,7	22	5,8	47	7,4
Қашқадарё	47	20,2	46	13,9	93	16,5	<0,001	10	40,0	15	32,6	25	35,2	57	22,1	61	16,2	118	18,6
Сирдарё	22	9,4	25	7,6	47	8,3	<0,001	5	20,0	5	10,9	10	14,1	27	10,5	30	8,0	57	9,0
Фарғона водийси	142	60,9	244	73,7	386	68,4	<0,001	7	28,0	20	43,5	27	38,0	149	57,8	264	70,0	413	65,0
Воҳа худуди	91	39,1	87	26,3	178	31,6	<0,001	18	72,0	26	56,5	44	62,0	109	42,2	113	30,0	222	35,0
Русублика худудлари	233	100,0	331	100,0	564	100,0	<0,001	25	100,0	46	100,0	71	100,0	258	100	377	100	635	100,0

## Қишлоқлик ва шаҳарлик геронт – супергеронт аҳолини эпидемиологик тадқиқотдаги иштирокини тавсифи

Текширув худудлари	Геронт-супергеронт қишлоқ аҳоли						P	Геронт-супергеронт шаҳар аҳоли						Жами аҳоли					
	Эркак		Аёл		Жами			Эркак		Аёл		Жами		Эркак		Аёл		Жами	
	abs	%	abs	%	abs	%		abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
Андижон	28	13,5	40	14,9	68	14,3	<0,001	7	13,7	30	27,5	37	23,1	35	13,6	70	18,6	105	16,5
Фарғона	51	24,6	92	34,3	143	30,1	<0,001	32	62,7	47	43,1	79	49,4	83	32,2	139	36,9	222	35,0
Наманган	27	13,0	38	14,2	65	13,7	<0,001	4	7,8	17	15,6	21	13,1	31	12,0	55	14,6	86	13,5
Жиззах	25	12,1	20	7,5	45	9,5	<0,001	0	0	2	1,8	2	1,3	25	9,7	22	5,8	47	7,4
Қашқадарё	52	25,1	55	20,5	107	22,5	<0,001	5	9,8	6	5,5	11	6,9	57	22,1	61	16,2	118	18,6
Сирдарё	24	11,6	23	8,6	47	9,9	<0,001	3	5,9	7	6,4	10	6,3	27	10,5	30	8,0	57	9,0
Фарғона водийси	106	51,2	170	63,4	276	58,1	<0,001	43	84,3	94	86,2	137	85,6	149	57,8	264	70,0	413	65,0
Воҳа худуди	101	48,8	98	36,6	199	41,9	<0,001	8	15,7	15	13,8	23	14,4	109	42,2	113	30,0	222	35,0
Русублика худудлари	207	100,0	268	100,0	475	100,0	<0,001	51	100,0	109	100,0	160	100,0	258	100,0	377	100,0	635	100,0

Бундан ташқари “Ноинфекцион касалликлар профилактикаси” бўйича ишлаб чиқилган ва тавсия қилинган Россия тавсиялари (2013) қўлланилди. Ушбу халқаро миқёсда тан олинган ва қўлланиладиган тавсиялардан фойдаланиб: саломатликни популяцияда умумий баҳолаш, антропометрия, чекишни баҳолаш, артериал гипертонияни ташхислаш ва баҳолаш, жисмоний фаолликни ўрганиш ва баҳолаш, овқатланиш одатини ўрганиш ва баҳолаш, алкоголь истеъмолини баҳолаш ва ўрганиш, дислипидемияни ўрганиш ва баҳолаш, ортиқча тана вазнини (ОТВ) аниқлаш ва баҳолаш, семизликни аниқлаш ва баҳолаш, мева ва сабзавот маҳсулотларини истеъмолини ўрганиш ва баҳолаш, коморбидликни ўрганиш ва баҳолаш амалга оширилди.

Хатар омиллари қуйидагича ташхисланди:


1) ОТВ ва семизлик Кетле индекси (КИ) даражасига қараб аниқланди:  $КИ \geq 25-29,9 \text{ кг/м}^2$  бўлганда ОТВ деб,  $\geq 30 \text{ кг/м}^2$  дан ортиқ аниқланганда – семизлик деб ташхисланди. Кетле индекси  $\frac{\text{тана вазни, кг}}{\text{бўй, м}^2}$  формуласи бўйича аниқланди.

КИни  $\leq 18,5 \text{ кг/м}^2$  даражаси тана вазнини меъёрдан паст даражаси ва  $18,5 - 24,9 \text{ кг/м}^2$  га тенг даражаси – нормал тана вазни деб қабул қилинди;

2) гиперхолестеринемия деб холестеринни  $\geq 5,0 \text{ ммоль/л}$ , гипертриглицеридемия деб унинг қон зардобидаги  $\geq 2,0 \text{ ммоль/л}$  даражаси қабул қилинди;

3) ирсий мойиллик деб популяциянинг қариндош уруғларида ёки ота-онасида холецистит кўрсатилганда қабул қилинди; 4) гиподинамия / жисмоний кам фаоллик деб қачонки популяция хафтасига 2 соатга етмай жисмоний тарбия билан шуғулланган ҳолатда қабул қилинди; 5) алкоголь истеъмоли хатар омил сифатида популяция энг камида ойига бир марта спиртли ичимликлар қабул қилиш ҳолати аниқланганда қабул қилинди;

б) кашандалик деб популяцияда ҳар куни ёки гоҳида чекиш ҳолати кузатилганда қабул қилинди; 7) артериал босимни  $\geq 140/90$  мм сим.уст.га тенг даражаси артериал гипертензия (АГ) деб ташхисланди; 8) мева ва сабзавот маҳсулотларини истеъмол қилишни ўртача суткалик миқдори 400 мгдан кам бўлганда – уларни етарлича эмас (МСИК) деб қабул қилинди.



**2.3 – расм.** Геронт – супергеронт аҳолини эпидемиологик тадқиқотдаги иштирокини ифодаланиши

#### §2.4.2. Тиббий – клиник усуллар

Бирламчи субъектив ва объектив текширувда шикоятлар баҳоланди, батафсил касаллик ва ҳаёт анамнези тўпланди. Алоҳида эътибор анамнезда механик сариқлик, холангит ва бошқа қардош касалликларни бирлиги ёки йўқлигига аниқлик киритилди. Анамнестик ва клиник манзараланишни баҳолашда етакчи аломатлар баҳоланди: 1) сурункали холецистит қайталаниши учун хос бўлган парҳезни бузилиши (ёғли, қовурилган ва ўтқир овқат истеъмоли, алкоголь истеъмоли), 2) ўнг қовурға ёйи ости оғирлик хисси ва оғриғи хусусиятлари, 3) диспептик кўринишларни тавсифланиши (ёмон иштаҳа, кекириш, кўнгил айниш, қабзият), 4) “жигар санчиғи”ни ифодаланиши, келиб чиқиш сабаблари (рефлектор таъсиротлар, нейрогуморал бошқарувни бузилиши,

**Турли касбларда фаолиятини яқунлаган геронт-супергеронт аҳолининг эпидемиологик тадқиқотдаги  
иштирокини тавсифи**

Текширув худудлари	Ақлий меҳнатда бўлган геронт-супергеронт аҳоли						P	Жисмоний меҳнатда бўлган геронт-супергеронт аҳоли						Жами аҳоли					
	Эркак		Аёл		Жами			Эркак		Аёл		Жами		Эркак		Аёл		Жами	
	abs	%	abs	%	abs	%		abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%	abs	%
Андижон	8	25,8	8	14,8	16	18,8	<0,001	27	11,9	62	19,2	89	16,2	35	13,6	70	18,6	105	16,5
Фарғона	16	51,6	22	40,7	38	44,7	<0,001	67	29,5	117	36,2	184	33,5	83	32,2	139	36,9	222	35,0
Наманган	0	0	9	16,7	9	10,6	<0,001	31	13,7	46	14,2	77	14,0	31	12,0	55	14,6	86	13,5
Жиззах	3	9,7	4	7,4	7	8,2	<0,001	22	9,7	18	5,6	40	7,3	25	9,7	22	5,8	47	7,4
Қашқадарё	3	9,7	5	9,3	8	9,4	<0,001	54	23,8	56	17,3	110	20,0	57	22,1	61	16,2	118	18,6
Сирдарё	1	3,2	6	11,1	7	8,2	<0,001	26	11,5	24	7,4	50	9,1	27	10,5	30	8,0	57	9,0
Фарғона водийси	24	77,4	39	72,2	63	74,1	<0,001	125	55,1	225	69,7	350	63,6	149	57,8	264	70	413	65,0
Воҳа худуди	7	22,6	15	27,8	22	25,9	<0,001	102	44,9	98	30,3	200	36,4	109	42,2	113	30	222	35,0
Русублика худудлари	31	100,0	54	100,0	85	100,0	<0,001	227	100,0	323	100,0	550	100,0	258	100,0	377	100,0	635	100,0

эндокрин омиллар, рухий таъсиротлар), 5) истма бўлиши ва хос ифодаланиши жиҳатлари.


Популяцияда коморбидлик фони тахлил қилиниб баҳоланди: юрак-қон томир касалликлари (ЮИК, АГ, бўлмачалар фибрилляцияси), эндокринологик касалликлар (қандли диабет, семизлик), хазм аъзолари тизими касалликлари (ошқозон ва 12 – бармоқли ичак яра касаллиги, сурункали гастрит, панкреатит, жигар циррози, гепатитлар), сийдик-таносил тизими касалликлари (пиелонефрит, сийдик-тош касаллиги, простатит, простата аденомаси) ва цереброваскуляр касалликлар.

Тадқиқотда популяцияни текшириш учун қуйидаги асбобий усуллар қўлланилди: ультратовушли текширув (УТТ), электрокардиография (ЭКГ), рентгенологик ва эндоскопик текширувлар. Қорин бўшлиғи аъзоларини ультратовушли текшируви Toshiba Ario 500 (Япония) аппаратида бажарилди.

Рентгенологик текширувлар (кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи органларини) РЕНОКС – флюорограф (Россия) ва Fudji (Япония) аппаратида бажарилди. ЭКГ текшируви 12 та стандарт уланишларида осойишталик ҳолатида бажарилди. Эндоскопик текширувлар, кўрсатмаларга қараб, “Olympas” Video (Япония) фиброгастроуденоскопидан фойдаланиб бажарилди. Холециститни ташхисий мезонлари сифатида қуйидаги ультратовушли мезонлар олинди: ўт пуфагини узунасига (>80 мм) ва кўндалангига ўлчамларини (>40 мм) катталашуви; ўт пуфаги деворини қалинлашуви (>3 мм) ва унинг эхотаркибини бузилиши; ўт пуфаги бўйин қисмида тўсиб қўювчи конкрементни бўлиши.

Ушбуларни ҳисобга олган ҳолда холецистит ташхиси комплекс текширув натижалари бўйича қуйидагиларни олиб шакллантирилди: яллиғланишни маҳаллий белгилари (Мерфи симптоми, юқори ўнг квадрантдаги оғриқ) яллиғланишни тизимли белгилари (иситма, лейкоцитоз) ва холецистит учун характерли натижаларни бўлишида

### §2.4.3. Асбобий – махсус текшириш усуллари



2.4- расм. Тадқиқот усуллари

коморбид касалликлар умумқабул қилинган клиник инструментал (асбобий) ва биокимёвий текширувлар бўйича ташхисланди.

#### § 2.4.4. Лаборатор – биокимёвий текшириш усуллари

Қуйидаги лаборатор – биокимёвий текшириш усуллари қўлланилди: умумқабул қилинган сийдик ва қон анализлари, қонда умумий билирубинни, АСТ, АЛТ, холестерин, умумий оқсил, натрий, калий, креатинин ва кальцийни биокимёвий аниқлаш усуллари.

Сийдикни умумий анализ “Clinitek status” фирмасини аппаратида ва қон умумий анализи эса “SWELAB 920 EO”, “HORTVA ABX MICROS ES 60” автоанализаторида ўтказилди. Қоннинг биокимёвий текшируви “Dimension Xpang” автоанализаторида (махаллий даволаш муассасаларининг Моддий-техник базасидан фойдаланиб) бажарилди.

## **§2.5. Олинган эпидемиологик маълумотлар базасини**

### **шакллантириш ва уларга статистик ишлов бериш усуллари**

Олинган маълумотларга статистик ишлов бериш MateBook D14 “Huawei” персонал компьютерида Windows 10 дастурий таъминотида IBM SPSS Statistic ва статистик пакетлар мажмуасининг проприетар лицензияга эга 27,0 талқинида (2023 й) ва MedCalc 20.216 (MedCalc software lid, 2023, Бельгия) биотиббий тадқиқотлар учун дастурий таъминотининг статистик пакетлари ёрдамида амалга оширилди.

Маълумотлар таҳлилининг дастлабки босқичида барча маълумотларнинг меъёрий тақсимоти текширилди. Бунда Колмагоров – Смирнов ва Shapiro – Wilk мезонлари қўлланилди. Меъёрий тақсимотга мувофиқ келмаган ҳолларда ўзаро боғлиқ бўлмаган йиғиндиларни таққослаш учун Маин - Уитнинг V – мезонидан фойдаланилди.

Сифатий белгилар ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш учун сифатий белгилар узвийлигининг тетрагорик коэффиценти (Пирсоннинг  $\chi^2$  – мезони) тўрт майдонли жадвал ёрдамида ҳисоблаб чиқилди. Жадвал ёрдамида олинган натижаларни аниқлаштиришда Йейтс узлуксизлик тузатмасида фойдаланилди.

Гуруҳлар ичидаги хатоликлар эҳтимолини апостериор таҳлили учун Бонферрон тузатмаси қўлланилди. Эҳтимолликнинг клиник белгиси сифатида  $P < 0,05$  қабул қилинди.

---

---

### III БОБ. СУРУНКАЛИ ХОЛЕЦИСТИТНИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЁШ ВА ЎРТА ЁШ ПОПУЛЯЦИЯСИДА ЭПИДЕМИОЛОГИЯСИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

---

---

§3.1. Ўзбекистоннинг ёш ва ўрта ёшли популяциясида холециститни эпидемиологияси ва профилактикасининг худудий хусусиятлари

Ўзбекистоннинг Андижон худудида сурункали холециститни (СХ), ёш ва ўрта ёшли қишлоқ аҳолиси популяциясида, эпидемиологик тавсифи аниқланди ва баҳоланди (3.1-жадвалда бу ҳақдаги тахллий маълумотлар келтирилган).

Улардан кўринадики, ёш ва ўрта ёш популяцияда СХ 15,7% ва 8,9% тарқалиш частотаси билан аниқланади, яъни 6,8% фарқ билан ёш аҳолида ўрта ёшли популяцияга қиёсан юқори частотада тасдиқланади ( $RR=1,758$ ; 95%  $CI=1,479 - 2,091$ ;  $\chi^2=42,321$ ;  $P<0,001$ ). Ёш популяцияда тошсиз СХ – 11,7% ва 4,0% дан тарқалиш частотаси билан ( $P<0,01$ ), ўрта ёшли популяцияда эса – 6,2% ва 2,8% частотада ( $P<0,01$ ) тасдиқланади.

Аёллар популяциясида СХ 8,8% тарқалиш частотаси билан тасдиқланади (ўрта ёшлиларда) ва ёш популяцияда эса 9 баробарга етиб ортиқ (18,3%) аниқланиш частотасида қайд қилинади. Тошсиз ва тошли СХ ўрта ёшлиларда – 5,9% ва 2,9% дан, ёш популяцияда эса – 13,5% ва 4,7% дан тарқалиш частоталари билан қайд этилади ( $RR=2,079$ ; 95%  $CI=1,608 - 2,688$ ;  $\chi^2=33,212$ ;  $P<0,001$ ).

Ёш эркаклар популяциясида СХни аниқланиш частотаси 13,7%ни ташкил қилади, тошсиз ва тошли шакллари эса – 10,4% ва 13,7% дан тасдиқланади. Ўрта ёш эркаклар популяциясида тошли ва тошсиз СХни аниқланиш частоталари – 6,4% ва 2,7%ни ташкил қилади, жами СХ 9,0% тарқалиш кўрсаткичлари билан тасдиқланади ( $RR=1,468$ ; 95%  $CI=1,159 - 1,858$ ;  $\chi^2=12,334$ ;  $P<0,05$ ).

Ушбу натижалар далолат берадики, аҳолининг турли ёшларида жами СХни ва хусусан, унинг тошсиз ва тошли турларини профилактикасида

## Сурункали холециститни ёш ва ўрта ёшли ахоли популяциясида эпидемиологик тавсифи

Текширув гурухи	СХ аниқланган ёш популяцияси				Жами		СХ аниқланган ўрта ёш популяцияси				Жами		RR	95% CI	$\chi^2$	P
	Тошсиз		Тошли				Тошсиз		Тошли							
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%				
Аёллар популяцияси (n=868)	117	13, 5	41	4,7	158	18, 2	51	5,9	25	2,9	76	8,8	2,079	1,608- 2,688	33,212	<0,00 1
Эркаклар популяцияси (n=1129)	117	10, 4	38	3,4	155	13, 7	72	6,4	30	2,7	102	9,0	1,468	1,159- 1,858	12,334	<0,05
Умумий популяция (n=1997)	234	11, 7	79	4,0	313	15, 7	123	6,2	55	2,8	178	8,9	1,758	1,479- 2,091	42,321	<0,00 1

индивидуал хосликлар бўлиши керак. Аёл ва эркекларда эса, ёш ва ўрта ёшлиларда, скринингли назорат қилиш стратегияси тубдан фарқланади. СХни хавфи ёш популяцияда ўрта ёшли популяцияга нисбатан 1,8 баробарга етиб юқори бўлади. Бундай хавф аёлларда – ёш популяцияда, ва эркекларда бўлса – ўрта ёшли эркеклар популяциясида сезиларли юқори бўлади. Бу маълумотлар хорижий тадқиқотчилар маълумотларидан кескин пастлиги билан эътиборни тортади. Тадқиқотчилар томонидан ёшга боғлиқ бўлиб, айниқса 65 ёшдан кейин, СХни то 20%га етиб аниқланиши ва аёллар эркекларга қараганда 3-4 баробар кўпроқ хасталанишади [72]. Маълум бўлдики, СХни эпидемиологик тавсифлари абориген (ўзбек) ва келгинди (бошқа миллатлар) ёш ва ўрта ёшли аҳолида фарқланиб тасдиқланади (3.2-жадвал).

Абориген ёш аҳоли популяциясида СХ 15,4% тарқалиш частотасида қайд қилинади, тошсиз тури – 12,0% ва тошли тури – 3,4% аниқланиш частоталари билан тасдиқланади. Ўрта ёшли абориген аҳоли популяциясида СХ – 8,2% тарқалиш частотасида, тошсиз ва тошли турлари эса мувофиқ бўлиб – 5,2% ва 3,0% дан аниқланиш кўрсаткичларида қайд қилинади (RR=1,879; 95% CI=1,507 – 2,344;  $\chi^2=32,901$ ; P<0,001).

Келгинди ёш аҳоли популяциясида СХни тарқалиши 16,2% частотада тасдиқланади, тошсиз СХ – 11,2% ва тошли СХ – 5,0% аниқланиш частотаси билан қайд қилинади. Ўрта ёшли келгинди аҳоли популяциясида СХни аниқланиш частотаси -10,3%, тошсиз тури – 11,2% ва тошли тури – 5,0% дан тарқалиш частотасини ташкил қилиб қайд этилади (RR=1,571; 95% CI=1,187 – 2,079;  $\chi^2=10,247$ ; P<0,05).

Хулоса қилиш мумкин бўладики, СХ хавфи келгинди аҳолида абориген аҳолига қараганда сезиларли юқори бўлади. Хар икки гуруҳ аҳолида СХнинг тошсиз тури устуворлик қилади ва индивидуал скрининг анзорат талаб қилинади.

**Сурункали холециститни абориген (ўзбек) ва келгинди (бошқа миллатлар) ёш ва ўрта ёшли ахоли  
популяциясида юзага келиши частоталарини эпидемиологик тавсифи**

Популяция тавсифи Текширилган гурӯҳлар	СХ аниқланган ёш популяцияси				Жами		СХ аниқланган ўрта ёш популяцияси				Жами		RR	95% CI	$\chi^2$	P
	Тошсиз		Тошли				Тошсиз		Тошли							
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%				
Абориген ахоли (n=1318)	158	12,0	45	3,4	203	15,4	68	5,2	40	3,0	108	8,2	1,879	1,507- 2,344	32,901	<0,001
Келгинди ахоли (n=679)	76	11,2	34	5,0	110	16,2	55	8,1	15	2,2	70	10,3	1,571	1,187- 2,079	10,247	<0,05
Умумий популяция (n=1997)	234	11,7	79	4,0	313	15,7	123	6,2	55	2,8	178	8,9	1,758	1,479- 2,091	42,321	<0,001

§ 3.2. Ўзбекистоннинг худудларини ёш ва ўрта ёшли популяциясида сурункали холециститнинг ижтимоий-этник хатар омиллари, уларга боғлиқ холда касалликни эпидемиологик тавсифи

Тадқиқот маълумотлари таҳлилидан аён бўлдики (3.3-жадвал), СХ хавфини ёки келиб чиқишини ёш ва ўрта ёшли популяцияда 6 турли ижтимоий хатар омиллари (ИХО) оширади: ақлий меҳнат устуворлиги, жисмоний меҳнат устуворлиги, оилавий яхши холат, оилавий номақбул холат, олий маълумотлилик ва маълумотни пастлиги.

Жами ИХО сурункали холецистит билан ёш популяцияда – 15,7% (тошсиз турида – 11,7% ва тошли турида – 15,7% дан) ва ўрта ёш популяцияда – 8,9% (тошсиз турида -6,2% ва тошли турида – 2,8% дан) тарқалиш частотаси билан аниқланади ёки СХ хавфини оширади (RR=1,758; 95% CI=1,591 – 1,943;  $\chi^2=1994,725$ ; P<0,001).

Ақлий меҳнатда бўлган ёш аҳолида СХ 13,3% (тошсиз ва тошли турлари- 7,2% ва 6,1% дан) ва ўрта ёш популяцияда – 8,3% (тошсиз ва тошли тури – 4,4% ва тошли тури – 3,9% дан) аниқланиш частоталари билан тасдиқланади (RR=1,600; 95% CI=0,868 – 2,948;  $\chi^2=2,329$ ; P>0,05).

Жисмоний меҳнатда бўлган ёш популяциясида эса СХ – 15,9% (тошсиз СХ – 12,2% ва тошли СХ – 3,7% дан) ва ўрта ёш популяциясида бўлса – салкам уч баробарга кўп бўлиб – 9,0% (тошсиз СХ – 6,3% ва тошли СХ – 2,6% дан) частоталарда қайд қилинади (RR=1,773; 95% CI=1,480 – 2,124;  $\chi^2=40,113$ ; P<0,001) (3.3-жадвал ва 3.1-расмда баён қилинган). Хусусан тасдиқландики, оилавий яхши холатда бўлган ёш популяцияда СХ -12,5% тарқалиш частотаси билан қайд қилинади (тошсиз тури – 9,3% ва тошли тури – 3,2% дан); ўрта ёш популяциясида эса СХ – 9,3% частотада (тошсиз тури – 6,6% ва тошли тури – 2,7% дан) аниқланади (RR=1,3393; 95% CI=1,063 – 1,688;  $\chi^2=6,186$ ; P>0,05).

**Сурункали холециститни ёш ва ўрта ёшли аҳоли популяциясида ижтимоий хатар омилларига боғлиқ холда  
эпидемиологик тавсифи**

Ижтимоий хатар омиллари	СХ аниқланган ёш популяцияси				Жами		СХ аниқланган ўрта ёш популяцияси				Жами		RR	95% CI	$\chi^2$	P
	Тошсиз		Тошли				Тошсиз		Тошли							
	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%				
Ақлий меҳнатда бўлган аҳоли (n=180)	13	7,2	11	6,1	24	13,3	8	4,4	7	3,9	15	8,3	1,600	0,868-2,948	2,329	>0,05
Жисмоний меҳнатда бўлган аҳоли (n=1817)	221	12,2	68	3,7	289	15,9	115	6,3	48	2,6	163	9,0	1,773	1,480-2,124	40,113	<0,001
